O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 2 апрель №68-69 (3343-3344) Жума

*Мустақиллик иншоотлари*

## БУ ЕРДА ЗАВОД ҚАД РОСТЛАЙДИ

***«Бу улкан мажмуа юртимизда амалга оширилаётган энг йирик лойиҳалардан бири бўлиб, бутун мамлакатимиз саноати учун ўта муҳим аҳамият касб этади».***

*(Президентимизнинг 2002 йил 2 май куни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан).*



Бундан 10 йил муқаддам «Кийиксой» мавзесидан ўтганимизда, машинамиз ғилдираклари қумга тиқилиб қолиб, бийдай барханлар орасида ярим кун қолиб кетган эдик. Мана, янги асрнинг тўртинчи йилида, ўлкамизга кўклам кириб келган дастлабки кунларда равонгина «Қўнғирот-Бейнеу» автомобиль йўлидан ўзимизнинг «Нексия» русумли уловимизда Кийиксойга кириб бораяпмиз.

Қурилиши ниҳоясига етаётган Қўнғирот сода заводининг баланд бинолари ўн-ўн беш километрдан яққол кўзга ташланади. Қад ростлаётган Элобод шаҳарчаси чексиз-чегарасиз Устюрт оғушида беҳишт боғи бўлиб жилваланади. Бу ерга умид билан ўтказилган минглаб кўчатлар қисқа вақт ичида кўкка бўй чўзиб, соя сола бошлабди.

Биз, бир гуруҳ журналистлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси матбуот хизмати раҳбари Парахат Палимов билан Элободга кириб борганимизда, вақт пешиндан оғиб қолган эди. Йўлимизга пешвоз чиққан завод қурилиши раҳбари ўринбосари Абат Рамбергенов:

— Бизда кечаю кундуз иш тўхтамайди. Жараён билан танишиш, корхона қурувчилари билан суҳбатлашиш борасида кўнглингизни тўқ қилаверинглар. Ҳали ҳаммасига улгурасизлар! — деб бизни корхонанинг ишлаб чиқариш биноларидан бирининг томига олиб чиқди. Бу ердан бутун завод қурилиши ва Элобод шаҳарчаси манзарасини яққол кўриш мумкин эди.

Кези келганда, Қўнғирот сода заводининг нафақат мамлакатимиз, балки улкан минтақа иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашимиз ўринли бўлади. Маълумки, мажмуани барпо этишга Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 2 мартдаги 79-сонли қарорига биноан киришилган эди. Ўтган 9 йилда бу ерда кенг кўламли ишлар бажарилди. Бир неча йиллик қурғоқчиликдан кейин Аму ўзани ва Орол денгизи бўсағасидаги кўллар оби-ҳаётга тўла бошлади.Вазирлар Маҳкамасининг «Қўнғирот сода заводи қурилишини тугаллаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ҳукуматимиз бу муҳим ишни амалга ошириш юзасидан Хитой Халқ Республикасининг «Ситик» компанияси билан битим тузди. Қиймати 32,3 миллион АҚШ долларидан иборат бу лойиҳанинг асосий қисми ҳаётга татбиқ этилди. Ҳозиргача 16 миллион АҚШ доллари миқдоридаги асбоб-ускуна қурилиш майдончасидан ўрин олиб, монтаж ишлари бошлаб юборилди. Бу ишларда ўнлаб мутахассислар, ишчилар иштирок этмоқда. Биз пайвандчи Фам До Мин билан учрашдик. Хитойлик бу ёш йигит мазкур қурилишда қатнашаётганидан мамнун. «Ситик» компанияси заводнинг



(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлисда



## Давлат тили — юрт шаъни

Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг Фарғона вилоятидаги ижроси муҳокама қилинди.

Вилоятда мазкур қонун ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилган. Ҳокимликлар, идора ва ташкилотларда иш давлат тилида юритилади, йиғин ва анжуманлар асосан шу тилда ўтказилади. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш бўйича ҳозирлик қизғин кетмоқда. Вилоят оммавий ахборот воситаларида бу борада мунтазам чиқишлар қилинаётир. Қўшма корхоналар фаолиятида ўзаро алоқалар тегишли қонунга кўра ўзбек, инглиз ва рус тилларида олиб борилмоқда.Масалага шу жиҳатдан қараганда, Марказий банкнинг вилоят бошқармаси тажрибаси эътиборга моликдир.

Аммо вилоятдаги баъзи давлат ва нодавлат ташкилотларида бу борадаги аҳволни яхши, деб бўлмайди. Ишчи гуруҳи кузатувларига кўра, ўзбек тилига эътибор, уни тарғиб қилиш, айниқса, мудофаа тизимида суст кечмоқда. Қатор ташкилотларда давлат тилини жорий этиш бўйича ҳокимлик қошидаги комиссия билан ҳамкорлик изчил йўлга қўйилмаган. Айрим идораларнинг иш юритиш қоғозлари матнини қайта тузиш зарур.

2003 йил 14 ноябрда қўмита томонидан "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг Сурхондарё вилоятида ижро этилиши тўғрисида"ги қарор қабул қилинган эди. Йиғилишда ушбу ҳужжат ижроси масаласи ҳам муҳокама этилди. Давлат тилига оид муаммолар нафақат Фарғона ва Сурхондарёда, балки бошқа вилоятларда ҳам мавжудлиги таъкидланди. Уларни бартараф этиш хусусида амалий таклиф ва тавсиялар ўртага ташланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

**Мамлакат НОРМУРОДОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

*Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича республика ўқув-методик марказида умумий ўрта таълим мактаблари учун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ўқув жиҳозлари кўргазмаси очилди.*

## ЎҚУВ ЖИҲОЗЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Назокат Усмонова).***

Халқ таълими вазири Р.Жўраев кўргазмани очар экан, юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Президентимизнинг "2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши изчиллик билан амалга оширилаётганини қайд этди.

Кўргазмада мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилган ўқув-лаборатория жиҳозлари, кўргазмали қуроллар, мебель ҳамда спорт жиҳозлари — жами уч юз хилга яқин ўқув маҳсулоти намойиш этилмоқда. Бу ерда, шунингдек, янги маърифий дастурлар, электрон дарсликлар, ўқув адабиётлари, қўлланмалар намуналари билан ҳам танишиш мумкин.

Кўргазма икки ой давом этади. •

## ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

Тошкент ва Бухоро вилоятида содир этилган портлашларни эшитиб, чуқур қайғуга тушдим.

Туркия мақсади, сабаби ва манбаи нима бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай террорчилик ҳаракатларини қатъиян қоралайди.

Турк халқи ва ўз номимдан Сизга, дўст ва қардош ўзбек халқига ҳамда содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида ҳалок бўлган инсонларнинг яқинларига ҳамдардлик билдириб, жароҳат олганларнинг тезда соғайиб кетишларини тилаб қоламан.

**Аҳмет Нeждет СЕЗЕР,**
**Туркия Республикаси Президенти.**

***

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

Тошкентда ва Бухоро вилоятида бугун эрталаб юз берган бомбали тажовузлар натижасида бегуноҳ инсонларнинг ҳаётдан кўз юмганлиги ва жароҳатланганликларини эшитиб, чуқур қайғуга ботдим. Узоқ йиллардан бери терроризмга қарши кураш жараёнида катта йўқотишларга учраган турк халқи ўзбек халқининг террор туфайли бошидан кечираётган қийинчиликларини тушуниб турибди.

Шахсан ўз номимдан ва турк халқи номидан бу манфур террор ҳодисаларини қатъиян қоралайман. Терроризмга қарши курашда барча мамлакатларнинг яқиндан ҳамкорлик қилишлари лозимлигига ишонаман.

Ҳалок бўлганларнинг оилалари ва яқинларининг ғамларига шерик бўлган ҳолда, ўз номимдан ва турк халқи номидан дўст ва қардош ўзбек халқига юракдан таъзия билдираман ва жароҳат олган инсонларнинг тезроқ шифо топишини тилаб қоламан.

**Режеп Таййип ЭРДОҒАН,**
**Туркия Республикаси Бош вазири.**

***

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида кўплаб инсонларнинг талафотига сабаб бўлган террорчилик хуружлари тўғрисидаги хабар мени ниҳоятда ғазаблантирди.

Фожиа муносабати билан Сизга, ҳалок бўлганларнинг оилаларига ва бутун Ўзбекистон халқига шахсан ўз номимдан ва Озарбойжон халқи номидан чуқур ҳамдардлик изҳор этаман.

Биз терроризмни қатъиян қоралаймиз ва унинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашни қўллаб-қувватлаймиз.

Бу оғир кунларда биз Сиз билан бирга қайғурмоқдамиз.

**Илҳом АЛИЕВ,**
**Озарбойжон Республикаси Президенти.**

***

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

29 март куни Ўзбекистонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги хабар мени қайғу ва ташвишга солди.

Ишончим комилки, мана шу ёвузликка қарши курашда саъй-ҳаракатларимизни бирлаштирган тақдирдагина биз Марказий Осиёда тинчлик ва осойишталикни, хавфсизлик ва ишончни сақлаб қола оламиз.

Ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига, азият чекканларнинг оилаларига Қозоғистон халқи ва шахсан ўз номимдан чуқур ҳамдардлик билдираман.

Бизнинг мамлакатимиз ва мен Сиз учун, халқингиз учун мана шундай оғир кунларда ҳар қандай ёрдам ва мадад беришга тайёрмиз.

**Нурсултон НАЗАРБОЕВ,**
**Қозоғистон Республикаси Президенти.**

***

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Шу йил 29 март куни қардош Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрида ва Бухоро шаҳри яқинида содир этилган портлашлар натижасида тинч фуқаролар ҳалок бўлгани тўғрисидаги хабар мени чуқур ларзага солди.

Бундай шафқатсизларча хуружнинг айбдорлари топилиб, ғоят қаттиқ жазо олишларига ишончим комил. Уларнинг хатти-ҳаракатларини ҳеч нарса билан оқлаш мумкин эмас.

Сизга ва ҳалок бўлганларнинг яқинларига Қирғизистон халқи ҳамда шахсан ўз номимдан ғоят чуқур ҳамдардлик изҳор этишимга ижозат бергайсиз.

Қайғу ила,

**Асқар АКАЕВ,**
**Қирғизистон Республикаси Президенти.**

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг расмий хабари

2004 йил 31 март куни кечқурун соат 20.00 атрофида Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Чимбой тор кўчаси, 12-уйда яшовчи, 1965 йилда туғилган Қиличбек Азимбеков ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан ўтказилган текширув чоғида портлатиш воситаси ёрдамида ўзини ўзи ўлдирган.

Аҳоли ва ички ишлар ходимлари орасида қурбон бўлган ва шикастланганлар йўқ.

Ушбу ҳолат бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда.

*Барчамиз сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлайлик*

**Юлдуз УСМОНОВА,**
**Ўзбекистон халқ артисти**

## Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!

Ғанимнинг катта-кичиги бўлмайди — ўз номи билан душман.

Аммо дўст ниқобини кийиб ёнингда юрган ёки панада туриб, пайт пойлаб дўстларинг даврасини ғаламислар тўдасига, тўйингни азага, байрамингни кулфатга айлантиришга уринадиган номард душман сенга — ўн бора ғаним, юз бора ғаним, минг бора ғаним!

Халқимиз қадимий ва ҳамиша навқирон Наврўзни юртимизда кенг нишонлаётган, байрам нашидаси билан сармаст бўлган кунларда бизларга ана шундай минг бора ғаним бўлганлар ошимизга туз ташлаб шўр қилишга уриндилар. Аслида бу ғаламисларга азиз Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини кўролмаслик балоси тинчлик бермади.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида босиб ўтган йўли, халқаро ҳамжамиятда нуфузга эга бўлиб бораётгани барчага яхши маълум. Мен, айниқса, бунга дунёнинг кўплаб мамлакатларида гастрол сафарларида юрганимда кўп бора иқрор бўлганман. Хориждагилар бизнинг давлат қурилишида, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ислоҳотлар йўлидан бориб, қатор ривожланган мамлакатларнинг диққат-эътиборини жалб қилаётганимизни эътироф этишади. Дарҳақиқат, улкан иншоотлар қад кўтариб, шаҳарларимиз, кўчаларимиз тобора кўрк очиб бораётир. Буларнинг бари дўстларимизни қувонтирган бўлса, душманларимизнинг ичини кемирди, ҳасадини қўзғатди. Бундай ютуқларимиз жаҳолат бандалари бўлган, тарих ғилдиракларини ўтмишнинг қоронғу манзилларига қайтариш ниятидаги ҳамда гиёҳвандлик савдоси каби амаллардан топилган ҳаром пуллар қутуртирган кимсаларга тинчлик бермаслиги аниқ. Уларнинг қуроллари ҳам, кураш услублари ҳам ёвуз ва қабиҳдир. Қари демай, ёш демай, аёл демай, гўдак демай бегуноҳ инсонларнинг жонига қасд қилишга тайёр турган бундай бандаларни мусулмон деб бўладими?! Асло!

Юртимизнинг оқил инсонлари яхши англайдиларки, ҳеч бир ёвуз куч бизни ўз йўлимиздан қайтара олмайди. Шукурки, "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!" дея биз билан бир сафда туриб юракдан куйлайдиган, ана шу фикрда қатъий бўлган миллионлаб юртдошларимиз бор. Улар бор экан, ота-боболаримизнинг азалий орзуси бўлмиш мустақилликни ҳеч кимга бериб қўймаймиз!

## Ўз уйимизни ўзимиз асраймиз!

Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида юз берган воқеалар шу заминда яшаб, нон-тузини еган, ўзини ўзбек, деб билган қалби пок кишиларнинг иши эмас. Шу боис халқимиз шум ниятли кимсалар хатти-ҳаракатини қаттиқ қоралайди. Ҳасадгўйларнинг ёвуз мақсадлари ҳеч қачон амалга ошмайди. Бизни ҳеч ким танлаган йўлимиздан қайтара олмайди. Юртбошимиз телевидение орқали халқимизга мурожаат қилиб айтганидек, ўз халқига, ўз Ватанига қўл кўтарган, бегуноҳ инсонлар умрига зомин бўлган разил кимсаларнинг қилмишлари, албатта, фош этилади. Улар тегишли жазоларини оладилар. Шунинг учун бугунги кунда барчамиз — иш жойидами, кўчадами, маҳалладами — бир ёқадан бош чиқариб, қатъият билан ҳаракат қилишимиз, бало-қазолар таг-томири билан йўқ бўлиши учун жон куйдиришимиз, гўзал ва тенги йўқ юртимиз тинчлигини кўз қорачиғидек асраш учун курашмоғимиз керак.

**Шомуҳиддин МАНСУРОВ,**
**ношир.**
**Тошкент шаҳри.**





## САРОСИМАГА ЎРИН ЙЎҚ

*Пойтахтимизда содир этилган террорчилик ҳаракатлари жаҳон жамоатчилиги, жумладан, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборини тортди. Бу — табиий. Бироқ хориждаги айрим оммавий ахборот воситаларида мамлакатимиздаги вазиятни бузиб кўрсатиш, воқеаларни аслидан бошқача талқин этиш ҳоллари ҳам учраб турибди.*

*ЎзА мухбирлари пойтахтимиз кўча ва хиёбонларида, майдон ва бозорларида бўлиб, бу ерларда ҳаёт ўз маромида, одатдагидек давом этаётганига яна бир бор гувоҳ бўлишди. Бозорлар, магазинлар гавжум. Жамоат транспорти ҳар доимгидек қатъий тартиб асосида ишламоқда. Пойтахтимизни республикамизнинг барча ҳудудлари ва дунё билан боғлайдиган темир йўл ва ҳаво йўлларида поездлар ҳамда қудратли ҳаво кемалари одатдагидай қатнамоқда.*

*Аҳоли ўртасида ҳеч қандай саросима, ваҳима, хавотир йўқ. Буни ушбу суратлар ҳам тасдиқлаб турибди.*

**С. ЎРМОНОВ олган суратлар.**

# ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Бугун ва кеча Бухоро шаҳри яқинида ва пойтахт Тошкент шаҳрида содир бўлган даҳшатли портлашлар натижасида ўнлаб бегуноҳ тинч фуқаролар ҳалок бўлгани ҳамда жароҳатлангани тўғрисидаги хабарни чуқур қайғу ва катта таассуф билан қабул қилдик.

Биз бегуноҳ инсонларга қарши қаратилган бундай мудҳиш ҳолатларни қоралаймиз. Шу боисдан Фаластин халқи ва раҳбарияти номидан ҳамда шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийлари тимсолида ҳурматли ҳукуматингизга, биродар Ўзбекистон халқига ва ҳалок бўлганларнинг оилаларига чин юракдан астойдил биродарлик таъзиясини изҳор этаман. Қодир Аллоҳдан жароҳатланганларни тезроқ соғайтиришини, ҳалок бўлганларни ўз раҳматига олиб, уларга Мангу Жаннатдан жой ато этишини, оилаларига сабр-бардош беришини, ўзбек халқини эса шундай бало-қазолардан асрашини тилаб қоламиз. Чиндан ҳам У ҳамма нарсани эшитгувчи ва ҳамма нарсани кўргувчидир.

Биродарларча самимий ҳамдардлигимизни қабул қилгайсиз.

**Ёсир АРАФОТ,**
**Фаластин Давлати Президенти, Фаластин Озодлик Ташкилоти Ижроия Қўмитаси Раиси, Фаластин Миллий Маъмурияти Раиси.**

***

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистонда рўй берган ва инсонларнинг қурбон бўлишига олиб келган портлашлар тўғрисидаги хабарлар Татаристон аҳлининг қалбларини қайғуга солди. Содир бўлган воқеа натижасида ҳалок бўлганларнинг яқинларига чуқур ҳамдардлик, барча жабрдийдаларга мадад сўзларини изҳор этамиз, қардош Ўзбекистон халқи билан бирга қайғурмоқдамиз ва оғир жудоликлар аламига чин юракдан шерикмиз.

**Минтимер ШАЙМИЕВ,**
**Татаристон Республикаси Президенти.**

# БУ ЕРДА ЗАВОД ҚАД РОСТЛАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).



технологик қисми «калитини бурашга» ҳозирлаб беради. Бу борада Голландиянинг «Акзо Нобель инжиниринг» компанияси билан ҳамкорлик қилинади.

Айни кунда завод қурилишида 685 нафар ишчи-хизматчи тер тўкмоқда. 87 та қурилиш техникаси узлуксиз ишлатилмоқда. Корхонанинг бош ишлаб чиқариш корпуслари бунёд этиб бўлинди, ҳисоб. Сода заводи ишга тушгач, у кунига 450 тонна ош тузи ҳамда 360 тонна оҳактошни кальцийли содага айлантиради. Корхонанинг йилига 100 минг тонна кальцийли сода ишлаб чиқариши режалаштирилмоқда. Маълумки, кальцийли сода шиша, резина, металлургия, тўқимачилик саноатида, тиббиётда ишлатилади.

— Кальцийли сода жаҳон халқ хўжалигининг 199 соҳасида кенг қўлланилади, — дейди А. Рамбергенов. — Завод ишга тушгач, бутун мамлакат макроиқтисодиётида янги саҳифа очилади. Уни Асакадаги автомобиль заводи билангина қиёслаш мумкин. Минг нафардан кўпроқ фуқаро меҳнат билан банд бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, элободликларнинг деярли ҳаммаси камтар ва камгап. Жўллабой оға Нурқобулов пойдеворга биринчи қозиқ қоқилган кундан бошлаб фидойилик кўрсатмоқда.

— Йиллар ўтгач, невараларимга бу ишлар тўғрисида бафуржа гапириб берарман, — дейди Ж. Нурқобулов. — Ҳозир эса бирор дақиқа вақтим йўқ. Вақтини йўқотган нақдини йўқотади!

Элободни айлансангиз, кўзингиз қувонади. 20 га яқин кўп қаватли турар жойлар, ижтимоий инфратузилма тармоқлари, замонавий мактаб, болалар боғчасидаги шарт-шароитлар Нукусникидан қолишмайди. Сода заводи қурилишида бутун мамлакат иштирокини, бир қанча хорижий мамлакатлар ҳиссасини сезиш қийин эмас. Аммо биринчи навбатда завод қурилиши учун қўнғиротликлар алоҳида жон куйдирмоқдалар. Зеро, бу туман Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудининг 46 фоизини ташкил этиб, унинг бағрида беҳисоб бойликлар бор. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов ёзганидай:

*Оллоҳ бу саҳрони*
*яратди минг йил,*
*Сўнг минг йил*
*офтобда пиширди обдон.*
*Бағрига бойликлар*
*жойлади минг хил...*

Шу минг хил бойликлардан биттаси «Борсакелмас» мавзесини қоплаб ётган туз конидир. Унинг умумий майдони 1000 квадрат-километрдан, заҳираси 105 миллиард тоннадан ортиқ. Демакки, бу нодир бойликдан мамлакатимиз яна бир неча юз йиллар давомида фойдаланиши мумкин.

Элободда элнинг улкан устуни қад тиклади. Тез орада лойиҳа-смета қиймати 250 миллион АҚШ долларига тенг бўладиган бу корхона фойдаланишга топширилса, Ўзбекистон ўзининг стратегик мақсадларидан яна биттасига эришади. Ўша кунни тезроқ яқинлаштириш учун Элободда «улуғ халқ қудрати» жўш урмоқда.

— Биз ўтмишга назар ташлашни яхши кўрамиз, — дейди Қўнғирот тумани ҳокими Парахат Қалимбетов — Инсон кўпроқ кечаги кунни кўз олдидан ўтказишга ўрганган. Мабодо, келажакка қараб, эртанги кунимизни тасаввур этсак, Оролбўйи заминидаги углеводород заҳиралари, қора ва рангли металларни қазиб олсак, сода заводидан кейин бир неча тоғ-кон йўналишидаги улкан мажмуалар барпо этилса, Ўзбекистонимизнинг тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Ҳокимнинг эзгу орзулари келгусида амалга ошса, ажабмас. Ҳозир эса сода корхонаси қурилиши тобора юксак суръатлар билан давом этмоқда.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

*Зарар кўриб ишлаётган, маҳсулоти бозор талабларига жавоб бермайдиган, тахлам-тахлам акциялар чиқариб, ўз акциядорларига бир тийин ҳам дивиденд тўлолмаётган корхоналарни хусусийлаштириш бозор муносабатларининг асосий талабига айланди.*

*Давлат мулки қўмитаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси жамоаси бу борадаги фармонлар, қарорлар ижросини таъминлаш бўйича қандай ишларни амалга оширди?*

*Қарор ва ижро*

# ОБЪЕКТЛАРНИНГ ЭГАСИ БОРМИ?

2002 йилда ушбу жамоа давлат дастурига киритилган корхона ва объектларни хусусийлаштириш режасини атиги 61 фоиз бажарди. Кўзда тутилган 28 та корхонанинг фақат 17 тасида мулк шакли ўзгартирилди. Ўтган йили эса аҳвол аввалги йилдагига қараганда бирмунча ўзгарди. Хусусийлаштириш дастурига киритилган 72 та корхонанинг 59 таси ўз эгаларини топди. Режа 82 фоиз уддаланди.

Шу ўринда бир изоҳга эҳтиёж сезилади. Айтайлик, бошқарма хусусийлаштиришдан маблағлар тушуми режасини кичик-кичик дўкон ёки бошқа объектларни сотиш эвазига ҳам бажариши мумкин. Аммо Ўзбекистон иқтисодиёти паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган йирик корхоналарнинг хусусийлаштирилишидан тўғридан-тўғри манфаатдордир.

Хусусийлаштириш бозор муносабатларининг бош йўналишларидан бири бўлиб, у иқтисодиётимизнинг таянч нуқтаси ҳисобланади. Мақсад рақобатни ошириш, имкони борича бозоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ана шу маҳсулотларни нафақат ички бозорларга чиқариш, балки хорижга экспорт қилишдан иборатдир. Талаб ва таклиф мутаносиблигини ўрганиш пайти келди. Фақат шу йўл билан кишилар фаровонлигини янада яхшилаш имконияти бор.

Бу оддий ҳақиқатни бошқарма раҳбарлари яхши англашади. Лекин...

— Газеталарга хусусийлаштириш тўғрисида, корхона ва объектларнинг нархи ҳақида кўплаб мақола ва эълонлар бераяпмиз. Телевидениеда чиқишлар қилаяпмиз. Лекин негадир одамлар давлат дастурларига киритилган корхоналарни сотиб олишга унчалик шошилишмаяпти, — дейди бошқарманинг баҳолаш ва консалтинг маркази директори Тўрабек Қўшоқов. — Гапим қуруқ бўлмаслиги учун иккита-учта мисол келтирай. Сирдарё, Ховос, Сайхунобод туманлари ва Бахт шаҳридаги автокорхоналар аллақачон сотувга қўйилган. Бу корхоналар йўловчи ташиш бўйича бугунги кунда юзага келган рақобатга бардош беролмаяпти. «Нексия», «Дамас», «Тико» каби ўзимизда ишлаб чиқарилган автоуловлар ана шу корхоналарнинг синишига сабабчи бўлди. Буни бозор иқтисодиёти, дейдилар. Аммо мен тилга олган корхона раҳбарлари ёки унинг жамоаси ўз корхонасини сотиб олишга унчалик қизиқмайди.

Бир қараганда, Тўрабек Қўшоқов ҳақдай туюлади. Бироқ биз кечаги кун билан эмас, эртанги кун билан яшамоғимиз керак. Бошқарма раҳбарлари дастур режасини бажарса, бажара қолсин, дея нархи қиммат, уч-тўрт йилдан кейин ҳам сарфлаган пуллари қайтиб келмаслигини билган одамлар таваккалига иш юритармиканлар? Бизнингча, йўқ! Чунки улар сарфлаган бир сўм пул эртаиндин икки сўмни етаклаб келмаса, корхонани сотиб олиш нари турсин, унинг яқинига ҳам қадам босмайдилар.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилдаги 185-сонли қарорининг 2-иловасида вилоятимиздаги 49 та боғчани хусусийлаштириш давлат дастурига киритилган эди, — сўзида давом этади Тўрабек Қўшоқов. — Бугунги кунда ана шу боғчалар нафақат хусусийлаштирилмади, кўпчилиги вайрона ҳолга келди. Уларнинг эшик ва деразалари ўмариб кетилди.

Хўш, нега бундай ҳол юзага келди? Сотувга қўйилган боғчалар қиммат баҳоланганлиги туфайли мулкдорлар журъат қилишмаяпти. Қолаверса, «Кимошди» савдоси ҳам, биржа савдоси ҳам пайсалга солиб ўтказилган. Наҳотки, хусусийлаштирилиши кўзда тутилган биноларни қўриқлаш, улар талон-торож бўлмаслиги чораларини кўриш шунчалик қийин юмуш? Наҳотки, сотувга қўйилган бинолар жойлашган ҳудудларда хўжалик раҳбари ёки қўриқлаш хизмати ходимлари бирон ёққа кўчиб кетишган бўлса?!

2003 йилнинг 24 январида Президентимизнинг хусусий секторга эътиборни кучайтириш кўзда тутилган 32-сонли Фармони эълон қилинганди. Бу Фармонда Низом жамғармаси 50 минг АҚШ долларидан кам бўлган корхона ва объектларни имкон қадар тезроқ хусусийлаштириш, ана шу корхоналарни сотиб олган тадбиркорлар беш йилгача ўзлари олган дивиденддан давлат солиғи тўламаслиги, йирик корпорация ва ташкилотлар ўзларининг ҳудудий корхоналари фаолиятига аралашмаслиги белгилаб қўйилганди.

Қолаверса, Юртбошимиз Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига сотиладиган корхона ва объектларнинг нархини имкон қадар пасайтириш тўғрисида қатор кўрсатмалар берганди.

Яна қандай имтиёз ва кўрсатмалар зарур? Бугунги кунда хусусийлаштиришни жадаллаштириш учун давлат корхоналардаги ўз улушини ҳам савдога қўйди. Ривожланган ёки ривожланиш йўлидан бораётган қайси давлатда хусусийлаштириш сиёсатида шундай имтиёзлар бор?

Сармоя олиб кириш шарти билан корхоналарни рамзий баҳолаш масаласига эътиборни янада кучайтирмоқ керак. Тўғри, Сирдарё вилоятида ўтказилган танлов савдоларида ҳам 5 та корхона сармоя киритиш шарти билан тадбиркорларга шундоқ берилди. Бироқ бу етарли эмас. «Кимошди» савдосига қўйиш, кейинчалик эса биржа савдоларига ўтказилгани билан вилоятнинг чекка туманларидаги корхона ва объектларни яқин ўртада хусусийлаштиришга эришиш гумон бўлиб турибди. Натижада кўплаб корхоналар, боғчалар ачинарли ҳолга тушмоқда. Биргина Ховос туманидаги 4 та боғча ана шундай аҳволга келиб қолди.

Давлат дастурига киритилган корхона ва объектларни хусусийлаштиришда иккиланиш, бу муҳим ишни пайсалга солиш ислоҳотларни обрўсизлантириш билан баравар. Давлат мулки қўмитаси, унинг жойлардаги ҳудудий бошқармалари бугун ўн сўм фойда кўраман деб, эртага иқтисодиётга миллион-миллион зарар келтиради.

Зарар кўриб ишлаётган корхонанинг ҳақиқий эгаси ишнинг кўзини биладиган, чўнтагида сармояси бўлган тадбиркордир. У сотиб олган корхонасида самарадорликни кўзлаб ишлайди. Негаки, у маблағ сарфлаган. Бас, шундай экан, давлат дастурига киритилган биноларни хусусийлаштириш жараёнида бу ишга мутасадди ходимлар бағрикенглик билан, юртнинг эртасини ўйлаган ҳолда иш юритганлари маъқулдир.

Мулк шакли ўзгарган корхонада одамлар фойда олиш ҳақида ўйлашади. Рақобат бошланади. Талаблар ўрганилади. Маҳсулот тури кўпайиб, сифати яхшиланади. Тадбиркорлар бозор танлай бошлайдилар. Мижозларга юзлаб, минглаб турдаги маҳсулот таклиф қилинади. Солиқ ҳисобига давлат хазинаси бойийди. Давлатнинг дасти узун, одамларнинг эса пичоғи мой кесадиган бўлади. Буни унутишга ҳақимиз йўқ!

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Барчамиз сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлайлик*

# Халқ билан ўйнашманг!

*Муносабат*

Биз асрлар оша оғир кунларни бошдан кечирган, истиқлол ва озодлик йўлида кўп қурбонлар берган халқнинг — Тўмарис момоларнинг ворисларимиз. Ўзбекистон деган қутлуғ ном дунё узра баралла янграмоқда. Беғубор ҳаётимизга соя солмоқчи бўлганлар, одамлар ўртасига ваҳима ва иғво уруғини сочишни истаганлар хато қиладилар. Биз — Ўзбекистон оналари ҳамиша бир тану бир жон бўлиб, ўз оиламиз, маҳалламиз, Ватанимиз тинчлигини, аҳиллигини ҳимоя қилиб келганмиз. Бундан кейин ҳам шундай қиламиз.

Зеро, халқ бир мушт бўлиб жипслашса, енгилмас қудратга айланади. Орасидан ола чиқса ёки бировнинг ашуласига ўйнаётганлар пайдо бўлса, уларнинг танобини тортиб қўяди. Фуқаролараро низо солган кимсалар ҳамиша оналар қарғишига учрайди ва кўкармайди.

Биз жипслигимиз, бирдамлигимиз билан ҳар қандай разил тўдалар уринишларига қарши маҳкам турамиз. Озодлигимиз, тотувлигимизни кўролмайдиган ёвуз кучлар қутқусига учмаслик, хонадонларимиз тинчлигини асраб-авайлаш, энг аввало, биз оналарга боғлиқ эканлигини чин қалбдан ҳис этамиз.

Террорчиларга, халқнинг нону тузига хиёнат қилиб, ўз элига жафо келтирувчи жиноятчиларга айтар сўзимиз битта: «Бизни ўз йўлимиздан ҳеч ким, ҳеч қандай куч қайтара олмайди. Чунки биз озодлик қадрини билган, янгиланган-яшарган, ўзимизга хос йўлни топиб олган халқмиз!»

**Озода ШУКУРОВА,**
**беш боланинг онаси.**
**Қибрай тумани.**

*Ватан фидойилари*

# Азиз эди..., азиз бўлиб қолади



Қабиҳ ниятли кимсаларнинг пойтахтимизда амалга оширган қўпорувчилик ишлари барчамизни ларзага солди. Ҳамманинг қалбида ёвузларга нисбатан лаънат ва нафрат уйғонди. Энг ачинарлиси, бу воқеалар кўплаб бегуноҳ кишиларнинг умрига зомин бўлди...

Ҳеч ким қаҳрамон бўлиб туғилмайди. Қаҳрамонлар тайёрлайдиган мактаб йўқ, бўлмайди ҳам. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Аммо ҳаётда шундай воқеалар, вазиятлар юзага келарканки, бундай пайтларда одамнинг кимлиги яққол кўринаркан. Мушкул ҳолатларда, бошга иш тушганда ўзни кўрсатиш, жонни фидо этиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Қўлидан келдими, демак, шунинг ўзи ҳақиқий жасорат, ҳақиқий қаҳрамонлик!..

Бўлиб ўтган мудҳиш воқеалар навқирон йигит — милиция катта лейтенанти Азизжон Турсуновни ҳам орамиздан олиб кетди. У Қибрай тумани ички ишлар бўлимининг тезкор вакили эди. Тошкент давлат аграр университетини битирган, шу йил Тошкент давлат юридик институтини тамомлаганди. Диплом олишига саноқли кунлар қолганди...

— Болагинам ўша палла ишдан қайтиб келиб, диплом олишга бормоқчи эди. Эсиз-эсиз... — дея хун-хун йиғлайди Азизжоннинг буваси Акбар ҳожи Ортиқхўжаев. — Набираларим орасида энг суюклиси шу эди. Ўз исми билан азиз эди-я...

Момоларимиз, оналаримиз дуога қўл очганларида ҳамиша бир каломни такрорлайдилар: "Йигит ўлма, кам бўлма". Тўғри, ажалдан ҳеч ким қочиб қутулолмайди. Бироқ бемаҳал ўлимдан асрасин экан. Онани фарзандидан жудо қилмасин экан. Азизжоннинг волидаи муҳтарамаси, ёлғиз ўғлидан — кўзининг оқу қаросидан бемаврид жудо бўлган муштипар онанинг оҳу ноласига чидаб бўлмайди.

— Ўғлим одамларга ниҳоятда меҳрибон эди, — дейди у зор-зор изиллаб. — Бировни хафа қилмасди, ўз ташвиши бошидан ошиб ётган бўлса ҳам, аввал ўзганинг ҳожатини чиқарарди. Бир неча йил Оққўрғонда ишлаганида шунчалик кўп дўст-қадрдон орттирган эканки, жанозага бутун оққўрғонликлар кўчиб келди. Одамларга фақат яхшилик қилган экан, бировга меҳр кўрсатиб, бошқанинг ташвишини аритиб, яна кимнингдир дардига қайишган эканки, раҳматлининг орқасидан шунча одам йўқлаб келди. Айниқса, бир аёл "Вой, Азизжон, болам, сенсиз энди мен қандоқ қиламан? Энди мен касал бўлсам, ким касалхонага ётқизади? Ким ҳолимдан хабар олиб, йўқлаб боради, болажоним" деб йиғлаганида, адойи тамом бўлдим. Азизжонни бир ойдан кейин уйлантирмоқчи эдик. Орзу-ниятларимиз кўп эди. Бир олам орзулари бор эди жигаргўшамнинг. — Вазифа опа шундай дея афсус-надомат-ла бошини чайқайди. — Ҳай болам-а, ошни пишириб, емай кетган болам-а!..

Биз онаизор ноласига чидолмай, ташқарига йўл оламиз. Маъюс бош эгиб турган одамлар сафига қўшиламиз. Марҳумнинг тоғасиман, деб ўзини таништирган Алишер ака кўз қири билан бир йигитни кўрсатиб, «Жиянимнинг тутинган укаси — шогирди эди» дея шивирлади. Биз ўша йигитни суҳбатга тортамиз.

— Азизжон акам ўз касбининг фидойиси эди. Қўрқиш, ноҳақликдан юз буриш нималигини билмасди. Ёшимиз ўртасида унча катта фарқ бўлмасада, мен у кишидан ўзимга устозлик қилишини илтимос қилардим. Акам айримларга ўхшаб Ватан ҳақида оғиз кўпиртириб гапирмасди, аммо ҳар бир хатти-ҳаракати билан она-Ватанга садоқатли бўлиш кераклигини кўрсатарди.

...Биз бундай гапларни қўшнилар, қариндошлар, ўқитувчилардан ҳам эшитдик. Хусусан, Тошкент давлат юридик институти ректори Мирзаюсуф Рустамбоев ҳам собиқ талабасининг интизоми, билими ҳақида тўлқинланиб гапираркан, унинг диплом олишга улгуролмаганини афсус-ла таъкидлади.

Юракдан чиққан сўзлардан англадикки, Азизжон Турсунов қалбидаги шижоат, Ватанга, элу юртга, маҳаллага, оилага бўлган муҳаббат болалигиданоқ шаклланган экан. Шунинг учун ҳам ҳамдардлик билдираётганлар унинг ота-онасига сабр-қаноат тилаш билан бирга, элу юрт осойишталиги йўлида шаҳид бўлган шундай ўғлонни вояга етказганликлари учун ота-онасига раҳмат айтмоқдалар...

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Қотилни қотил дейиш керак

***Кейинги кунларда мамлакатимизда рўй берган террорчилик ҳаракатларини ёритаётган айрим оммавий ахборот воситаларининг холисликдан узоқлиги кишини таажжубга солади. Ўзини демократия тарафдори, демократия жарчиси деб атайдиган бу тоифадаги журналистлар учун факт ва воқеани бузиб кўрсатиш, атама ва ибораларни хоҳлаган тарзда талқин қилиш, афсуски, одатий ҳолга айланиб қолмоқда.***

***Масалан, улар қабиҳ ниятларини амалга ошириш, бегуноҳ одамларни ўлдириш учун ўзини портлатиб юбораётганларни «шаҳид», белга боғланган портловчи моддаларни эса «шаҳидлик камари» дея атайдилар. Хўш, бу сўзларнинг асл маъноси қандай, уларни шу тарзда қўллаш тўғрими?***

***Тошкент ислом университети Ислом ҳуқуқи кафедраси мудири, юридик фанлар номзоди Абдулҳаким Шаръий ЖЎЗЖОНИЙга шу савол билан мурожаат қилдик.***

— Аллоҳ томонидан инсонга ҳалол меҳнат билан ер юзини обод этиш, тинчлик, адолат йўлида хизмат қилиш, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш, илму маърифатга интилиш каби буюк вазифалар юклатилган, — дейди суҳбатдошимиз. — Агар одам ўзини ўзи ўлдирса, яъни жонига қасд қилиб портлатса, бундай киши шаҳид ҳисобланмайди. Негаки, Аллоҳ таоло Қуръони каримда «Ўзингизни ўз қўлингиз билан хавф-хатарга ташламанг», деб буюрган. Ўзини портлатган киши ушбу илоҳий ҳукмга қарши турган бўлади. Негаки, инсон ҳаёти юксак қадриятдир.

Кимки ўзини қасддан ярадор қилса ва шунинг оқибатида ҳаётдан кўз юмса, у бу дунёдан гуноҳкор бўлиб ўтади.

Эл-улус осойишталигини бузган, жонига қасд қилиб, уларнинг ҳаётига зомин бўлганлар, оммавий муассаса ва халқ гавжум жойларни портлатган кимсалар ислом дини ҳукмларига қарши турган ашаддий жиноятчи саналади. Улар осий ва жиноятчи сифатида ўлган ҳисобланиб, қиёмат куни даҳшатли азобларга лойиқ бўладилар.

Пайғамбаримизнинг муборак ҳадисларидан бирида айтилганидек, ҳар ким ўзини темир-терсак ёки заҳарли модда билан ўлдирса, қиёмат куни ўша нарса орқали абадий азоб-уқубатга солинади.

Ўзини ўзи ўлдиришни шаҳид деб аташ исломга мутлақо зиддир. Чинакам шаҳид деб ўз Ватанини, ор-номусини, оиласи, фарзандлари, ота-онаси ва яқинларини ҳимоя қилиш учун босқинчи ёвларга қарши жангда ҳалок бўлганларни аташ мумкин.

Ўзини ўлимга маҳкум этганлар қаттиқ қораланишининг яна бир сабаби, улар бир вақтнинг ўзида икки жиноятга қўл урадилар. Бири Аллоҳ берган ҳаёт риштасини узиш бўлса, иккинчиси, бошқа бегуноҳ инсонлар, айниқса, аёллар, қариялар, норасида гўдакларни ўлдиришдир. Иккаласи ҳам кечириб бўлмас гуноҳ ҳисобланиб, энг оғир жазога лойиқ бўлади.

Мухтасар айтганда, портловчи моддаларни белига боғлаб, ваҳшийликларни содир этишга шайланган одам инсониятга қарши жиноят воситасини белига боғлаган бўлади. Муқаддас динимизга ҳеч қандай алоқаси йўқ бўлган бу кимсаларни ўз қабиҳ номи билан — одамхўр қотиллар деб аташ керак.

**ОЗОДБЕК тайёрлади.**

### Қарорни ўқиб

Инсон зоти пайдо бўлибдики, унинг ҳаёт йўллари бир текис, ҳар доим ҳам ҳузур-ҳаловатда, тинчлик-осойишталикда ўтмаган. Ҳар қандай элу улус ўз тарихи саҳифаларида шодмон ва қувончли кунларни ҳам, оғир ва таҳликали дамларни ҳам бошидан кечирган. Мана шундай мураккаб пайтларда юрт манфаатидан келиб чиқиб, халқига ҳамдард бўлиб, кўнглини кўтарадиган, оғирини енгил қиладиган улуғ зотлар-пири муршидларнинг жамиятдаги ўрни беқиёс бўлган. Бундай юксак мақомга сазовор бўлган зоти шарифлар ўз турмуш тарзларию, маърифий-маънавий таълимотлари — ўгитлари билан халқни ҳалол-покликка, дину диёнатга, инсофу адолатга, меҳр-мурувватга, тинчлигу аҳилликка чорлаб, уларга руҳий-маънавий қувват бағишлаган, керак бўлса, моддий жиҳатдан ҳам мадад бўлишган. Диёримиздан чиққан мана шундай улуғ шахсият-пири комиллардан бири Хожа Аҳрор Валий (1404-1490) ҳазратлари ҳисобланади.

# Элу юртнинг пири комили

Хожа Аҳрор ҳазратлари нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси сифатида мусулмон оламининг буюк мутасаввуф донишмандлари сафидан ўз муносиб ўрнига эга бўлган буюк сиймодир. Бу буюк шахснинг ибратли ҳаёти, ижтимоий ва маънавий йўналишдаги жўшқин фаолиятини кузатар эканмиз, энг аввало, унда етти ўлчаб бир кесадиган шарқона донишмандлик ва теран исломий тафаккур бекаму кўст мужассам бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Лекин минг таассуф билан айтиш керакки, узоқ йиллар, айниқса, шўро тузуми даврида кўп буюк аждодларимиз қатори шахсияти ва фаолиятига ҳам салбий муносабат билдирилиб келинди. Бутун умри давомида эл-юрт ва халқнинг манфаати йўлида кўплаб савоб ва хайрли ишларни қилиб келган бу инсонпарвар шахсга нисбатан "ашаддий жаҳолатпараст", "ҳур фикрни бўғувчи", "маърифат душмани", "ўтакетган реакционер" каби туҳматомуз тамғалар босилди.

Аллоҳга беадад шукурлар бўлсинки, истиқлолимиз туфайли кўҳна ва бой тарихимизнинг ёрқин саҳифаларида сезиларли из қолдирган буюк сиймоларимизнинг ҳаёти ва амалий фаолиятини холисона, илмий ҳикмат билан изчил ўрганиш имконияти пайдо бўлди. Муҳтарам Президентимиз бундан ўн йил муқаддам бу ҳақда "Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак" деб алоҳида таъкидлаган эди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда халқимиз кўнглини мунаввар қилган бу йўналишдаги кўплаб хайрли ва савоб ишлар бевосита Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилганлигига жумлаи жаҳон гувоҳдир. Куни кеча матбуотда эълон қилинган "Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори айни шу борадаги муҳим ишлар силсиласининг мантиқий давомидир.

Шу муносабат билан «Бутун ҳаёти ва фаолияти XV асрда ўтган Хожа Аҳрор Валийнинг юрт ва жамият олдидаги хизмати, унинг илмий-маънавий мероси нималардан иборат бўлган?» деган табиий савол туғилади. Энг аввало, шуни қайд қилиш керакки, у ўзидан олдин ўтган ва ўзига замондош мутасаввуфлар томонидан илгари сурилган илғор ғояларни алоҳида бир иштиёқ ва бардавом равишда чуқур ўрганди. Тасаввуфий, муҳим таълимотларни тўлиқ эгаллаб, ўз ижтимоий ва маънавий ҳаётида уларга қатъий равишда амал қилди. Ғоятда баракали, узоқ умр кўрди. Ул зот суфийликнинг энг олий мақомларига ҳалол меҳнат ва машаққат билан эришиш, ҳар вақт эл-юрт дарди билан яшаш, адолат учун кураш, саховатпешалик билан меҳр-мурувват кўрсатиш, халқнинг тинчлик-осойишталиги,. ўзаро иноқлиги каби муҳим масалаларни ўз ҳаётининг мазмун-моҳиятига айлантирди. Нақшбандия тариқатининг асосий қоидаларидан бири "даст ба кору дил ба ёр" ("Қўлинг меҳнатда, қалбинг Аллоҳ билан бўлсин") шиори унинг учун қатъий қоида тусини олди.

Шуларга таяниб айтиш мумкинки, аллома маънавий дунёсининг қамрови ғоятда кенг ва теран мазмунга эга бўлган. Энг асосийси шундаки, унинг ҳаёти ва қолдирган маънавий-маърифий мероси чуқур инсонпарварлик руҳи билан суғорилган эди. Буларга қўшимча равишда деҳқончилик соҳасидаги тадбиркорлик, ишбилармонлик салоҳияти ва иқтидори туфайли ўз даврининг йирик мулкдорларидан бири сифатида ҳам шуҳрат қозонганлигини айтиб ўтиш лозим. У тижорат аҳлининг раҳнамоси сифатида бутун Мовароуннаҳрда ички савдо, қолаверса, Шарқий Туркистон, Хуросон ва Кичик Осиё билан ташқи савдонинг ривожланишига ҳам салмоқли ҳисса қўшган. Ўз тасарруфидаги беҳисоб бойликларини кўплаб диний ва маданий иншоотлар, жумладан, Самарқанд, Тошкент ва Қобул каби шаҳарларда мадрасалар, қорихоналар қурилишига, қолаверса, ҳожатманд инсонларга ва оилаларга муттасил равишда ишлатиб, ўз меҳр-мурувватини аямаган. «Бизнинг молимиз фуқаро учундир» деган шиорга умр бўйи амал қилган. Жамиятда тутган юксак мавқеидан фойдаланиб, тожтахт учун курашган шаҳзодалар ўртасидаги низоларни тинчлик йўли билан, сулҳ билан бартараф қилган, мамлакатда осойишталикни ўрнатишга қаратилган сиёсий фаолияти бутун умри бўйи давом этган. Хожа Аҳрор Валий 1490 йилда вафот этган ва Самарқандда дафн этилган.

Йирик шарқшунос, тарих фанлари доктори А. Ўринбоевнинг ёзишича, бизгача унинг учта рисоласи етиб келган. Улардан бири "Фақарот ул-орифин" ("Орифлар сўзларидан парчалар") номи билан машҳур бўлиб, унда Хожа Аҳрор Валий ва бошқа баъзи мутасаввуфларнинг тариқатга оид фикрларидан намуналар келтирилган. Ўз отаси Хўжа Маҳмуд илтимосига биноан ёзган бошқа бир рисоласини олим "Волидийя"("Отага бағишлов") деб атаган. Унда тариқат йўлига кирган кишининг ахлоқ — одоби, факр ва фано истилоҳлари ҳақида тушунчалар берилади. Бу рисола ўз даврида кенг шуҳрат қозониб, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийдек буюк мутафаккирлар ҳам унга муносиб баҳо берганлар. Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса бу рисолани форсийдан ўзбек тилига назмий услубда таржима қилган. Бу таржима 1991 йили Тошкентда "Ёзувчи" нашриётида чоп этилган. Учинчи рисола "Ҳавроийя" деб номланган бўлиб, XI асрнинг машҳур мутасаввуф шоири Абу Саъид Абулхайрнинг "Ҳавро" ("Ҳур парилар" ёки "Фаришталар") сўзи билан бошланувчи бир рубоийсини шарҳлашга бағишланган. Бу рисолалардан ташқари ўз нуфузли замондошларига йўллаган анчагина руқъа-мактублари ҳам бизгача етиб келганки, улар ҳам ҳазратнинг ўз даври ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётида тутган ўрнини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Мавриди келганда айтиш керакки, узоқ йиллар тинимсиз изланишлари натижасида тарих фанлари доктори А.Ўринбоев томонидан ушбу номаларнинг русча таржимаси тайёрланган эди. Америкалик олима, Нью-Жерси университетининг профессори Жо Энн Гросс билан А.Ўринбоев ҳамкорлигида бу номалар инглиз тилига ўгирилиб, «Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг хатлари ва унинг муридлари» номи билан 2002 йилда Голландиянинг бутун дунёга машҳур «Брилл» нашриётида чоп этилган. Умид қиламизки, ушбу мактубларнинг ўзбекча таржимаси нашр этилиши буюк ватандошимизнинг 600 йиллик қутлуғ тўйига муносиб совға бўлар эди.

Ул зоти орифнинг ҳаёт йўллари, фаолияти, таълимоти ва ўгитлари ҳақида қимматли маълумотлар шогирдлари томонидан ёзилган асарларда ҳам ўз аксини топган. Улардан бири яқин шогирди ва маслакдоши мавлоно Муҳаммад қозининг «Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин» асари, иккинчиси Мир Абдул Аввал Нишопурий қаламига мансуб «Масмуъот» («Эшитилганлар»)дир. Мир Абдул Аввал садоқатли мурид сифатида унинг алоҳида меҳр-илтифотига сазовор бўлади ва қизларидан бирига уйлангандир. Номидан ҳам кўриниб турганидек, ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаган бу асарда Мир Абдул Аввал ўз устозидан эшитган тасаввуф назарияси ва амалиётининг муҳим масалалари билан бир қаторда, ўз устозининг ҳаётига доир қизиқарли воқеалар ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Манбалардан учинчиси Фахриддин Али Ибн Ҳусайн Али Воиз ал-Кошифий ас-Сафийнинг «Рашоҳат айн ул-ҳаёт» («Ҳаёт чашмасидан томчилар») бўлиб, бу асар муҳим манба сифатида фақат мусулмон оламида эмас, балки Европа шарқшунослари орасида ҳам маълуму машҳурдир. Бу қимматли асар 2003 йилда шарқшунос олимлар М. Ҳасаний ва Б.Умрзоқов томонидан Тошкентда Ибн Сино номли "Тиббиёт" нашриётида чоп этилган.

Марказий Осиёнинг XV аср ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётида катта роль ўйнаган буюк сиймолардан бири — Хожа Аҳрор Валий ҳазратларининг 600 йиллик юбилейи ўтказилиши мустақиллигимиз берган буюк неъматнинг амалий ифодаси бўлиб, элу юртнинг маънавий пири комили бўлган буюк зотга кўрсатилган юксак эҳтиромдир.

**Убайдулла УВАТОВ,**
**тарих фанлари доктори.**



# ПЕШҚАДАМЛИК ОРИЯТИ

## Сурхондарёда пахтачилик тармоғидаги аҳволга бир назар

Пахта инсон учун кийим-кечак, либос. Пахтанинг нон мисоли азиз бўлиши, эҳтимол, шундандир.

Мен деҳқонман деган одамдан, «Пахта ҳам экасизми?» деб сўрайдилар. Пахтани эплаган, унинг ишини ёлчитган деҳқонни эса асл деҳқон, зўр деҳқон деб, биладилар. Ахир, ғўза бошқа зироатларга қараганда энг кўп муддат давомида пишиб етилади. Энг кўп иссиқлик, қуёш нурини эмиб, деҳқон қалбининг беқиёс ҳароратини талаб қилади. Пахта қишли-қировли кунларда лойга ботиб шудгор қилган, ёз офтобининг жизғинак пайтида товонини қабартирган ҳазрати деҳқон меҳнатининг мевасидир.

Пахта ўсадиган тупроқнинг баҳосини тиллодан устун қўядилар. Тоғ-тоғ «оқ олтин» хирмонларини яратганнинг ризқ-рўзини, насибасинию ҳузур-ҳаловатини она сутидек ҳалол, деб улуғлайдилар. Шу шарафли ва оғир тармоқнинг пешқадами, деб эътироф қозонганларга минг тасанно изҳор қиладилар.

Ўтган йил Сурхондарё пахтакорлари учун ана шундай шавкатли бўлди. Орадан роппа-роса қирқ йил ўтиб, вилоят мамлакатда биринчи бўлиб шартнома режасини бажарди. Ва, табиийки, ҳурматли Президентимизнинг табригига сазовор бўлиб, элимизнинг назарига тушди.

Замирида қарийб 350 минг тонна пахта карвони бўлган бу ютуқни сурхондарёликлар шунчаки тасодиф, ҳар қирқ йилда бир қўниб ўтадиган муваққат омад, деб биладиларми?

Юртбошимиз ўз табрикномасида халқ фаровонлиги йўлидаги яратувчилик ишларида янгидан-янги ютуқлар тилаганларини сурхондарёликлар дилларида асрайдилар. Энг муҳими, бугунги ишларини ҳам шу мезонга мослаб ва ростлаб олиб бормоқдалар. Ишга илмий нуқтаи назардан ёндашиб, бор камчиликларни хаспўшламасдан, заиф ва сирти ялтироқ бўғинларга сохта бўёқ чапламасдан меҳнат қилиш кўзга ташланмоқда.

Воҳага бу йил баҳор ҳар галгидан эрта келди. Ҳали ҳут кирмасдан бодом гуллади. Тол япроқ ёзди. Лекин деҳқоннинг ишлари қорнинг остида қолиб кетгани йўқ. «Сурхонпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси раисининг ўринбосари Абдунаби Бобоқуловнинг айтишича, 12 минг тонна уруғлик чигит тайёр. Улар орасида 311 тонна «Бухоро-6» нави ҳам бор. Қумқўрғондаги «Олтин чигит» ўзбек-юнон қўшма корхонаси эса ҳозирча мамлакатимизда ягона технология асосида уруғлик чигитни кимёвий усулда туксизлантирмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физика институти билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, капсулали уруғлик чигит ишлаб чиқармоқда. Корхонанинг бу тажрибаси ҳатто хориж мамлакатлари пахтакорларининг ҳам эътиборини ўзига жалб этмоқда.

— Жорий йилнинг ўзида биз 2 минг тонна туксизлантирилган, шу жумладан, 1200 тонна капсулланган уруғлик тайёрладик, — дейди корхона раҳбари Жўра Менглибоев.

— Капсулланган чигит тўла ва соғлом кўчат олишнинг гарови эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Шу билан бирга, бунда уруғлик сарфи ва табиийки, харажат икки бараварига қисқаради, — дейди Қумқўрғондаги Сафар Бойматов номли ширкат хўжалиги раҳбари Маманазар Эрдонаев. — Пахта майдонимиз — 2500 гектар. Чигит туксизлантирилган ва капсулланган бўлса, шунча майдонга 70 тонна уруғ кифоя. Уруғ тукли бўлса, 150 тонна чигит экилади. Демак, 70 миллион сўмлик уруғликни тежаш имконияти бор.

Энди буни вилоятдаги пахта экиладиган 120 минг гектар майдонга нисбатан ҳисобласак, қанча маблағ тежаб қолиш мумкинлиги аён бўлади. Вилоят МТПлар бирлашмаси тизимидагилар чигит экиш ва ғўза парвариши юмушларига «бедовлари»ни шайлаб қўйибдилар. 3783 та чопиқ трактори, 1431 та сеялка, жумладан, чигитни плёнка остига экадиган 251 та, қўшқаторлаб экадиган 118 та сеялка тўла таъмирдан чиқарилди.

Ҳар бир тармоқ, ҳар бир иш ўзининг ҳисоб-китоби, таҳлили ва таққослари билан қизиқ.

— Ўтган йили вилоятда гектаридан 28,7 центнердан ҳосил олинди, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бўлими бошлиғи Холбой Сатторов. — Пахтачилик иқтисодиётимизга 74,5 миллиард сўм даромад берди. Соф фойда — 15,5 миллиард сўм. Бу олдинги йилдагидан бу қарийб икки ярим миллиард сўм кўп. Рентабеллик — 26,5 фоиз. Бошқача айтганда, бир тонна пахта ишлаб чиқариш учун 169.000 сўм сарфланиб, 214900 сўм даромад олинди.

Хўш, шунча даромаду фойдадан деҳқон қандай манфаат кўрди? Денов туманидаги «Ҳазорбоғ» ширкат хўжалигининг ҳар бир аъзосига бултур 300 минг сўмдан кўпроқ маош берилди. Сариосиё туманидаги «Тақчиён», «Дашнобод» ширкат хўжаликлари аъзолариники бундан кам эмас.

— Соҳада меҳнат қилаётган тўққиз минг кишининг ҳар бирига ўтган йил якуни бўйича 33 минг сўмдан дивиденд берилади, — дейди Сариосиё тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғининг муовини Азиз Абдураимов.

Лекин соҳадан зарар кўрганлар ҳам бор. Масалан, Шеробод туманидаги «Баҳористон» ширкат хўжалиги фаолиятини олиб кўрайлик: Жамоа бултур минг гектар ерда деҳқончилик қилиб, 185 миллион сўмга яқин зарар кўрди. Шу тумандаги «Гулистон» ширкат хўжалигидаям зарар кам эмас — 138 миллион сўм. Афсуски, бундай хўжаликларни санайверсангиз, бармоқларингиз етмай қолади. Ва, табиийки, уларда «манфаатдорлик» деган сўздан нишона тополмайсиз.

Ширкатларга илгариги колхозу совхозлардан мерос бўлиб қолган бунақа камчиликларни бугун фермерлар бартараф этмоқда. Қизириқ туманидаги «Қорақасмоқ» фермер хўжалиги, масалан, энг яхши ишлаган ишчисига бултур «Тико» автомашинасини мукофотга берди. Денов туманидаги Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаев бошлиқ фермер хўжалиги манаман деган ширкат хўжаликлари эплай олмаган юмушларни бажарди. Мактаб учун янги бино ҚВП, болалар учун спорт мажмуаси бунёд этди. Энди америкалик фермерлар билан биргаликда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхона қуришмоқчи.

Тонналар, центнерлар, даромаду буромадлар ўз йўлига. Мустақиллигимиз шарофати билан бошланган ислоҳотларимиз бугун янги кишиларни тарбияламоқда. Янгича қарашларни шакллантиряпти. Одамларни рағбатлантирмоқда. Тафаккуримиз янгиланяпти.

Дарвоқе, Сурхондарёда Наврўз байрами киришига 12-15 кун қолганда чигит экиш бошланган. Лекин воҳа одамлари «Эрта эккан эрта йиғади», деб хотиржамликка берилмайдилар. Муштни бир жойга қўйиб, бир ёқадан бош чиқариб ишлайдилар. Шу юрт, шу азиз Ватаннинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**






*Тахиатош шаҳридаги санаторий-профилакторийси уруш ва меҳнат фахрийларининг севимли дам олиш масканига айланган. Оқсоқолларимиз, бувижонларимиз бу ерда ўз саломатликларини тиклайдилар, дунёвий мавзуларда суҳбат қурадилар. Сиҳатгоҳ шифокорлари эса уларнинг кўнгилли дам олишлари ҳамда соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун бор куч-ғайратларини сарфламоқдалар.*

*Айни пайтда бу ерда ҳордиқ олаётган 75 нафар фахрий, асосан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан ташриф буюрган.*

*Санаторий ҳамшираси Фотима Қулниёзова (суратда фахрийлар даврасида)нинг таъкидлашича, қалби меҳр ва мурувват нурлари билан йўғрилган бу оқсоқолларнинг тилидан ҳукуматимизнинг кексаларга кўрсатаётган ғамхўрликлари учун миннатдорлик ва бугунги кун шукронаси ҳеч қачон тушмайди.*

**Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# Оқибатли ҳамсоялар

Халқимизда «Ён қўшнинг — жон қўшнинг» деган ибратли мақол бор. Яна шу мақолнинг мантиқий давоми сифатида тилга олинадиган «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал» деган нақл ҳам асрлар оша халқимиз тилидан тушмай келаётир.

Тошлоқлик Раҳматилло Камолов «Камраҳ» фермер хўжалигининг раҳбари яшаётган маҳаллада вилоятда ягона якка-ёлғиз қариялар уйи фаолият кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, ҳаётнинг аччиқ қисматига учраб, қариганда танҳо ўзи яшаётган бир гуруҳ меҳрга муҳтожлар тадбиркорга қўшни бўлиб қолишди. Мана, учинчи йилдирки, меҳр-саховатли тадбиркор қариялар уйидаги отахону-онахонларни уч маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш, байрамлар, Рамазон кунларида уларнинг кўнглини олиш учун шахсий жамғармаси ҳамда фермер хўжалиги даромадидан 3 миллион сўм атрофида маблағ сарфлайди. Тадбиркор фақат қўшнилар кўнглини олиш билангина чегараланиб қолаётгани йўқ. Бундан икки йил аввал тумандаги пенсионерлар, меҳнат фахрийлари, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, кам таъминланган оилаларга меҳр-мурувват ва моддий ёрдам кўрсатиш учун 3 миллион 200 минг сўм маблағ ажратган бўлса, ўтган йили бундай ёрдам миқдори 6 миллион 600 минг сўмдан ортиб кетди.

Ёзёвон туманидаги «Толқудуқ - 97» фермер хўжалиги бошлиғи Адҳамжон Шерматов ҳам қўли очиқлиги, саховатпешалиги билан эл оғзига тушиб, обрў-эътибор топмоқда. У фермер хўжалигидан келаётган даромаднинг бир қисмига ён қўшниси Сафурахон Абдуллаеванинг икки фарзанди қўлини ҳалоллаб берди. Бундан ташқари, маҳалла ўрамидаги 24 нафар кам таъминланган ҳамда ёрдамга муҳтож оилалар аъзолари Олтиариқнинг «Қизилтепа» мавзеидаги сиҳатгоҳда дам олиб қайтишлари учун ўз ҳисобидан ҳиммат кўрсатди. Ҳозир эса фермер хўжалиги ҳамда маҳалла аҳлидан бир гуруҳи тадбиркор ташаббуси билан «Чимён» сиҳатгоҳида соғлиқларини тиклашаяпти. Фермер хўжалиги ташкил этилгандан бери мана шундай саховат ишларига 4 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Адҳамжон Шерматов «Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан алоҳида дастур тайёрлади. Жорий йилнинг дастлабки икки ойи мобайнида меҳр ва мурувват ишларига 1 миллион 200 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфлади.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Эзгулик дарахтлари

## саховатли қалблардан сув ичади

Навоий ҳазратларининг ажойиб сатрлари бор: «Меҳр кўп кўргуздим, аммо...» Бу мисралар бундан неча асрлар аввал ҳам меҳр ва мурувват, оқибат азиз ва муқаддас туйғу саналганлигидан далолат беради.

Юртбошимиз ташаббуси билан «Меҳр ва мурувват йили» деб аталган ушбу йилда ҳам бу сатрлар янги маъно ва мазмун кашф этмоқда. Зеро, меҳрибонлик истаган ҳар бир инсон албатта, меҳр топган, саховат кўрсатмоқчи бўлганлар эса кўнгли ярим инсонларга ёрдам кўрсатишни ўзларига фахр ҳисоблаганлар.

Биргина мисол. Навоий шаҳрининг ёши 45 да. Аҳолиси 145 мингдан ортиқроқ. Шаҳарда 90 га яқин миллат вакиллари истиқомат қилади. Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот», «Қизилқумцемент», дон маҳсулотлари, электркимё, Навоий ГРЭСи, ёғмой заводи каби ўнлаб йирик саноат корхоналари шаҳар шуҳратини жаҳонга ёймоқда.

Шаҳар аҳли катта меҳнат зафарларини қўлга киритиш билан бирга «Меҳр ва мурувват ҳафталиги»ни ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳафталиклар давомида кам таъминланган оилалар, якка-ёлғизлар, ногиронлар, етим-есирлар ҳолидан хабар олинмоқда. Ҳомий ташкилотлар ҳисобидан моддий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Айни пайтгача «Меҳр-мурувват ҳафталик»лари давомида 1 минг 114 нафар муҳтожга хайр-эҳсон ёрдамлари кўрсатилди. Умуман олганда, шаҳар бўйича 74 нафар якка-ёлғиз киши, 4 минг ногирон ҳомийлар оталиғига олинган.

Яна бир гап. Ўтган «Обод маҳалла йили»да шаҳарда фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар ҳисобидан 491 оилага квартира, 288 оилага ётоқхона ажратилган эди. Бу рақам жорий йилда янада ўсиши табиий.

Навоий шаҳрининг ўзига хос жиҳатлари кўп. Кўп миллатли аҳоли истиқомат қилаётгани боис бу ерда 7 та миллий маданий марказ фаолият кўрсатмоқда. «Дўстлик ришталари» деб номланган маданий тадбир турли миллат вакилларини бир-бирига янада яқинлаштиради, улар қалбига эзгулик ва меҳр нурларини сочади.

Шаҳар «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланаётган ўғил-қизлар ҳам чексиз ғамхўрлик ва меҳр паноҳида. Корхоналар ва тадбиркорлар ота ёки она меҳрига муҳтож болалар кўнглини кўтариш билан бирга, уларнинг замонавий услубда билим олишлари учун зарур бўлган барча жиҳозларни етказиб беришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шаҳар ҳокимининг қабулида навбат кутиб турганлар орасида «Менга ёрдам беринг» дегувчилардан кўра «Мен ёрдамга муҳтожларга ёрдам кўрсатмоқчиман, ногиронларга хайр-эҳсон қилмоқчиман, уларнинг рўйхатини олишга келгандим...» дегувчи саховатли кишилар кўплиги айниқса,ҳаммани қувонтиради.

**Маруса ҲОСИЛОВА,**
**журналист.**

### Фан олимпиадасида

# Бунақаси ҳали бўлмаган

Тошкентда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг иқтидорли ўқувчилари ўртасида умумтаълим фан олимпиадасининг якунловчи — республика босқичи бўлиб ўтганлиги хусусида маълумот берган эдик. Табиийки, энг иқтидорли ва зукко деб топилган ёшлар олимпиада ғолиби деб топилдилар. Вилоятларда ғолибликни қўлга киритган 331 нафар ёш йигит-қиз икки кун давом этган фанний беллашувларда чинакамига тер тўкишди. Олимпиада синовларини таҳлил қилаётган мутахассислар бир ҳолатга дуч келиб, ҳайрон қолишди ва «Бунақаси ҳали бўлмаган» дея таажжубланишди.

Олимпиада натижаларига кўра, Навоий шаҳридаги академик лицейнинг ўзидан 4 нафар ўқувчи фахрли биринчи ва учинчи ўринларни эгаллаб, муддатидан олдин тест синовларисиз олий ўқув юртларининг талабаси бўлишдек имтиёзни қўлга киритишди!

Тарих фани бўйича Шавкат Рамазонов, биология фанидан Машраб Юсуповларга республика бўйича тенг келадиганлар топилмади. Улар синовлар шоҳсупасининг энг юқорисидан жой олишди ҳамда устозлари М. Собиров ва Н. Қодировларнинг, қолаверса, бутун лицей жамоасининг ишончини оқлашди. Л. Зайнутдинова раҳбарлигида тайёргарлик кўрган Беҳзод Тиллаев ҳамда У. Муҳамедов раҳбарлигидаги Анвар Равшанов инглиз тили бўйича мусобақаларда учинчи ўринни эгаллашди.

Ростданам, бир ўқув масканидан бира йўла тўрт нафар ўқувчининг бундай муваффақиятни қўлга киритиши республика олимпиадаси тарихида кузатилмаган. Иқтидорли ўқувчиларнинг умумтаълим фан олимпиадасида эришган юксак натижалари Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг қувонарли самараларидан биридир. Қолаверса, бу умумтаълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида халқаро андозаларда йўлга қўйилган янги таълим неъматларидир.

**Э. БОЛИЕВ.**

# «Меҳрибонлик» лойиҳаси

**Пойтахтимиздаги жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида "Меҳрибонлик" дастурининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

**Мазкур лойиҳа меҳрибонлик уйларида яшаётган болаларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни ўз ичига олади.**

**Лойиҳанинг яна бир мақсади бундай масканларда истиқомат қилаётган болаларнинг эркинлиги ва ҳуқуқлари борасида мониторинг ўтказиш, улар билан ишлайдиган давлат идораларига болаларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳолатини яхшилаш бўйича тавсиялардан иборат маълумотлар юборишдир.**

**М. АКРАМОВ.**
**"Туркистон-пресс".**

# АГРАР СОҲАНИНГ ҚУДРАТЛИ ТАЯНЧИ




***Қишлоқ хўжалигида изчил амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар соҳада молиявий-хўжалик муносабатларини тубдан янгиламоқда. Акциядорлик тижорат “Пахта банк”и мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан бошланган ушбу жараённинг қудратли ҳаракатлантирувчи таянчи вазифасини ўтамоқда. Банк пахтачилик ҳамда у билан узвий боғлиқ бошқа деҳқончилик-саноат мажмуи тармоқларига банк хизмати кўрсатишни тобора такомиллаштириб бориб, эндиликда Ўзбекистоннинг етакчи молиявий муассасаларидан бирига айланди.***

## Давр билан ҳамнафас

Республика ҳукуматининг жойларда банк хизмати кўрсатишни янада такомиллаштиришга йўналтирилган, иқтисодиётни эркинлаштириш, миллий валютани конвертациялашга тайёргарлик кўриш ва амалга оширишни кўзда тутувчи чора-тадбирлари мулкчиликнинг турли шакллари ривожини тезлаштирди. Акциядорлик тижорат “Пахта банк”и ана шу жараёнда фаол иштирок этиб, ўз маблағларини иқтисодиётнинг реал соҳалари ва базавий тармоқларини ривожлантиришга йўналтириш, инвестиция сиёсатини фаоллаштириш ва чет эл инвестицияларини жалб этиш, кредитор ва инвесторлар ҳуқуқларини таъминлаш, банк хизматлари бозорини янги хизмат турлари билан бойитиш каби бир қатор стратегик йўналишларда банк-молия хизматининг амалий таянчига айланди.

Ўтган йили “Пахта банк” фаолиятида яна бир қувончли воқеа юз берди. Буюк Британиянинг дунёнинг барча минтақаларида босилиб тарқатиладиган нуфузли “The Banker” журнали ҳамда “FT Business” газетаси томонидан у Ўзбекистоннинг йирик тижорат банклари ўртасида 2003 йилнинг «энг яхши банки», деб тан олиниб, тегишли сертификатга эга бўлди.

## Рақамлар жозибаси

Айни кунда “Пахта банк” турли мулк шаклидаги 95 мингдан зиёд юридик ҳамда 158 мингдан кўпроқ жисмоний шахсларга мукаммал банк хизмати кўрсатмоқда. Банк республиканинг барча вилоятларида кенг кўламли тармоқларига эга эканлиги акциядор ва мижозлар сафини янада кенгайтириш ва хизмат турларини кўпайтириш учун қулай имкониятлар яратмоқда. Банк мижозлари 13 та вилоят бошқармалари, 184 та туман филиаллари ҳамда 229 та мини банк хизматидан фойдаланаётганлари шундан далолат беради.

Банкнинг актив ва пассивларини самарали бошқариш, ликвидли активларни мақбул даражада сақлаб туриш ўз фаолияти даромадлилигини ошириш ва тўловларни ўз вақтида бажариш имконини бермоқда. Банкнинг валюта баланси 2003 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, 250 миллиард сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич фақат бир йилнинг ўзида 41 миллиард сўмга кўпайди ёки 120 фоизга ўсди.

Мижозларнинг “Пахта банк” кредитларидан фойдаланишга нисбатан муносабатлари тубдан ўзгарди. Бу уларнинг банкдан олаётган кредит маблағларини техника ва технологияларни янгилашга, янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтираётганларида яққол намоён бўлмоқда. Бир йил давомида кредит қўйилмалари 138 фоиз ўсди. Умуман, уларнинг қолдиғи 122 миллиард сўмни ташкил этиб, 34 миллиард сўмга кўпайди. Сирдарё, Жиззах, Навоий ва Фарғона вилоятларидаги пахта хомашёсини қайта ишлаш корхоналарини тубдан қайта қуришга банк 1 миллиард 417 миллион сўм кредит ажратди.

Шуниси диққатга сазоворки, кредитлар таркибида ўрта ва узоқ муддатли ссудалар ҳажми кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда у банк томонидан ўз мижозларига ажратилаётган умумий кредит маблағларининг 70 фоизга яқинини ташкил этмоқда.



Банкнинг ликвидлилик даражаси барқарор юксак ҳолда сақланмоқда. Ўз фаолиятининг даромадлилиги йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

## Бўнак беришда янги усул қўлланиляпти

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари республиканинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, соҳанинг мамлакат ҳаёти ва иқтисодиётида тутган ўрнини мустаҳкамлаш, барча тармоқларда ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш ва янада чуқурлаштиришга йўналтирилгандир. “Пахта банк” ўзининг кредитлаш сиёсатини айнан мана шу тагзаминли вазифалар асосига қурмоқда. Хўжалик юритишнинг янгича тамойилини, молиялаш ва кредитлашнинг янгича тизимини ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва техникалари, ёнилғи-мойлаш материаллари ва маъданли ўғитлар учун ўзаро ҳисоб-китоб асосларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, қишлоқ хўжалик корхоналари мустақиллигини янада кенгайтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилишда шартнома нархлари тизимини кенг қўллаш банк фаолиятида янги уфқларни очмоқда.



Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 383-сонли ҳамда “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 476-сонли қарорлари талаблари асосида Бухоро, Фарғона, Хоразм, Андижон, Жиззах, Навоий ва Самарқанд вилоятлари фермерларининг давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштиришга сарфланадиган харажатларини бўнак пуллари билан таъминлашнинг амалдаги тамойиллари ўзгартирилди. Бошқача қилиб айтганда, уларни буюртмаларга мувофиқ, Молия вазирлиги қошидаги жамғарма маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитлашга ўтилди.

Бўнак маблағи беришнинг янгича усули фермерларнинг ишончини янада мустаҳкамлади. Уларга 8 миллиард 987 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Бу маблағларнинг асосий қисми пахта хомашёси етиштиришга йўналтирилди. Ғаллакорларга эса, шу йўналиш бўйича 772,4 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Натижада юқорида қайд этилган вилоятларнинг фермерлари маъданли ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари ҳамда кимёвий ҳимоя воситаларини ўз вақтида олиб, машина-трактор парклари хизматидан самарали фойдаландилар. Пахтакорларнинг иш ҳақлари ҳам ўз вақтида тўланди.

2003 йил якунлари таҳлили ҳам ана шу янги усулнинг афзаллигини яққол кўрсатди. Хусусан, Шовот туманидаги “Бозоргул” фермер хўжалиги 2002 йилни зарар билан якунлаган эди. Ўтган йили эса, кредит ҳисобига 8,6 тонна пахта хомашёси етиштириб, 789,6 минг сўм фойда олинди. Уйчи туманидаги “Машҳура” фермер хўжалиги эришган натижа эса янада салмоқли. Бу ерда кейинги икки йил давомида ғалла ҳосилдорлиги 55 центнердан пастга тушмади. Маҳсулотнинг умумий таннархи эса 2 миллион сўмга арзонлашди. Ушбу фермер хўжалигида пахтачилик ҳам юқори даромадли тармоққа айланган. Чунончи, ўтган йили пахтачилик режадаги 460 минг сўм ўрнига 6,6 миллион сўм фойда келтирди. Рентабеллик даражаси эса 36 фоиз ўсди.

## Кредитлар самараси

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш инфратузилмасини ва агротармоқ билан боғлиқ корхоналар ҳамда савдо ташкилотларини қисқа ва ўрта муддатга кредитлаш ҳам “Пахта банк”нинг кредит сиёсатида алоҳида ўрин тутади. Бу хизмат туридан асосан “Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг”, “Ўзагромашсервис”, “Ўзкимёсаноат” ва “Ўзбекбирлашув” акциядорлик компаниялари, “Ўзозиқовқатсаноат” уюшмаси корхона ва ташкилотлари фойдаланмоқдалар. Банкнинг қисқа муддатли кредит қўйилмалари 2003 йил 31 декабрь ҳолатига кўра 20,6 миллиард сўмни ташкил этди. Бу маблағлар асосан қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар, техника ҳамда эҳтиёт қисмлар, аҳолини кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашга йўналтирилди.

“Пахта банк”, айниқса, малакали кадрлар тайёрлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртларида шартнома асосида ўқиш учун таълим кредитлари ажратиш тўғрисида”ги 318-қарорининг талабларига мувофиқ, банкнинг жойлардаги бўлинмалари томонидан талабалар учун 2323 та шундай кредит ажратилди. Унинг умумий миқдори 2003 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, 923 миллион сўмни ташкил этди.

Банкнинг ўз маблағлари ва тижорат кредитлари ҳисобидан молиялаштириш ҳажми ҳам ўсди. Ўтган йил давомида банк муассасалари томонидан барча манбалардан қурилиш мажмуини кредитлаш бўйича 16 миллиард 100 миллион сўмлик молиялаштириш тадбирлари амалга оширилди.

Республика қишлоқлари аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани ҳаммага аён. Бу соҳадаги дастурнинг ижроси учун банк 1 миллиард 616 миллион сўм кредит ажратди. Шунинг ҳисобига 62 километр узунликда ичимлик суви ва 49 километр масофага табиий газ қувурлари тортилди. Йил охирида капитал қўйилмаларга марказлаштирилган йўл бўйича ажратилган кредитлар миқдори 8 миллиард 477 миллион сўмни, тижорат йўли билан берилган кредитлар эса, 4 миллиард 740 миллион сўмни ташкил этди.

Мижозларга лизинг хизмати кўрсатиш ҳам “Пахта банк” фаолиятига тобора кенг ва чуқур кириб бормоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида 104 нафар лизинг олувчи шу усулдан фойдаланди. Жами 217 та объектга лизинг усулида ажратилган маблағ 1 миллиард 667 миллион сўмни ташкил этди. Ширкат ва фермер хўжаликлари ҳам лизинг усулида 837 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик техникаларини сотиб олдилар. Сўнгги йилда ушбу хизмат турининг ҳажми 2 баробар ўсгани, айниқса, диққатга сазовордир.





## Кичик бизнес ҳамиша эътиборда

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ривожланиши суръатлари кескин жадаллашди. Ўтган йили “Пахта банк” хизмат кўрсатаётган бундай субъектлар сони 12119 тага кўпайиб, якунда 71203 тага етди. Уларнинг республика иқтисодиётидаги мавқеи тобора салмоқли бўлиб бормоқда. Ушбу корхоналарда кенг истеъмол моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Шуниси муҳимки, бу корхоналар ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш кўламларини кенгайтира бориб, бюджетга нақд пул тушумини кўпайтиришга катта ёрдам бермоқда.

Бунда, табиийки, “Пахта банк” томонидан ажратилаётган кредитлар ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш республика Кенгаши томонидан тасдиқланган параметрларга мувофиқ, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 12 миллиард 274 миллион сўм кредит ажратиш режалаштирилган эди. Бу режа 102 фоиз бажарилди. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига 4661 та лойиҳа бўйича 12 миллиард 568 миллион сўм кредит берилди.

Шунингдек, “Пахта банк” бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни ҳам кенг қўллаб-қувватламоқда. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига шу йўл билан 2173 та лойиҳа бўйича 4 миллиард 416 миллион сўм кредит берилди. Умуман, 2003 йилда банк 6834 та лойиҳа бўйича 16 миллиард 985 миллион сўм кредит ажратди.

Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга ажратилаётган маблағлар эса кескин кўпайиб, умумий кредитлар ҳажмининг 40 фоизини ташкил этди. Уларнинг ҳамма манбалардан олган жами кредитлари 6 миллиард 548 миллион сўмдан ошди. Муҳими шундаки, бу кредит маблағларининг 74 фоизи ўрта ва узоқ муддатлидир.

“Пахта банк” кредитлари кўплаб юқори технологияли ишлаб чиқариш ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарини қуриб, ишга тушириш имконини яратмоқда. Шу йўл билан 12 мингга яқин янги иш ўрни очилди. Улар томонидан 8 миллиард 666 миллион сўмлик турли товар ва маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Банк кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу жамғарма маблағлари 2 миллиард 757 миллион сўмга кўпайиб, 7 миллиард 885 миллион сўмга етди.

«Пахта банк» кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш учун бирламчи капитални шакллантиришга ҳам катта ёрдам кўрсатмоқда. Шу мақсадларда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари бўйича маблағлар ажратилмоқда.

## Ҳамкорлик доираси кенгаймоқда

“Пахта банк”нинг жаҳон инвестиция бозоридаги ҳамкорлик доираси тобора кенгаймоқда. Кўплаб йўналишлар бўйича ташқи иқтисодий алоқалар олиб борилаяпти. Ўтган йили валюта операциялари бизнес-режасининг ижроси муваффақиятли таъминланди. Уларнинг заҳира базаси 1,4 баравар ўсди. Агар илгари у республика Валюта биржасида сўмни валютага конвертациялашдан келган тушумлардан ташкил топган бўлса, бултур асосан халқаро молия ташкилотлари маблағларини жалб этиш орқали таъминланди.

Биржадаги ва биржадан ташқари валюта бозоридаги конвертациялаш операциялари 92 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ёки у 1,6 баравар ўсди. Умуман, банкнинг нақд валюта операциялари 6,6 баравар кўпайди. “Пахта банк” ўзининг халқаро операцияларини 22 та чет эл ҳамда республика ичкарисидаги банкларнинг вакиллик ҳисоб рақамлари тармоғи орқали амалга оширмоқда. Конвертация қилинаётган валюта маблағлари 20 фоиз ортди.

“Пахта банк”, айниқса, йирик банклар билан алоқаларни янада мустаҳкамламоқда. Чунончи, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан микрокредитлашни давом эттириш мақсадида 7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит шартномасини имзолади. Дастлабки ажратилган 600 минг доллар маблағ эса банкнинг Фарғона, Андижон, Самарқанд, Қўқон ва Чилонзор филиаллари томонидан ўзлаштирилди.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида банк кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида Осиё Тараққиёт банки билан 7,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳани имзолаган эди. 2003 йилнинг июнида эса “Пахта банк”, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Корхоналарни таркибий қайта қуриш агентлиги ҳамкорлигида агросервис корхоналарини кредитлаш учун 12 миллион 800 минг АҚШ доллари миқдоридаги уч томонлама битим тузилди.

Ҳозирги пайтда “Пахта банк” тасарруфида бешта халқаро молия институтининг кредит линиялари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг умумий маблағлари 50 миллион 188 минг АҚШ долларини ташкил этади. Булар Германиянинг КфВ банки, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё Ривожланиш банки, Хитой Халқ Республикасининг «Эксимбанк»и ва Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг кредит линияларидир.

“Пахта банк” чет эл кредит линиялари маблағларини мамлакат иқтисодиётининг турли секторларига жойлаштириш борасида ҳам муваффақиятли фаолият юритмоқда. Натижада ички бозор учун рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар кўпайди. Минглаб янги иш ўринлари очилди. Шу маблағлар ҳисобига кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари энг замонавий чет эл технологияларини сотиб олиш имкониятига эга бўлдилар, жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга таклиф этмоқдалар. Улар жаҳон бозорига янада дадил ва ишонч билан чиқиш имкониятига эришмоқдалар.

Сўнгги йилда банк мижозларининг экспорт-импорт шартномалари ҳам анча кўпайганини таъкидлаш жоиз. Экспорт маҳсулотлари таркибида пахта линти, тўқимачилик саноати маҳсулотлари, цемент, пахта териш машиналари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари консервалари ва шарбат олдинги ўринларга чиқмоқда. Банк мижозлари экспорт операциялари қиймати 1,8 баравар ортди. Хусусан, ана шу экспорт ҳажми 2001 йилда 3,6 миллион, 2002 йилда 6 миллион, 2003 йилда эса 10,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Экспорт маҳсулотлари таркибида тайёр маҳсулотлар нисбати ортиб, бугунги кунда банк мижозларининг экспорт операциялари кўлами Осиё, Европа ва Америка қитъаларининг тобора кўпроқ мамлакатларини қамраб олмоқда.

## Пластик карточка — ҳам қулай, ҳам фойдали

“Пахта банк” аҳоли қўлидаги бўш маблағларни жалб этишнинг янги имкониятларини ишга солиш йўлида изчил ва қатъий изланишларини давом эттирмоқда. Иш ҳақи, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар ва товарлар хариди бўйича ўзаро ҳисоб-китоб жараёнига пластик карточкаларнинг жорий этилгани бу борада энг муҳим янгиликлардан бири бўлди. Тошкент давлат аграр университети, «Агрегат» заводи, “Ўзпахтасаноат” уюшмаси, Хоразм шакар заводи, Наманган машина-трактор парки, Сирдарё ГРЭСи, “Madad Edviger” унитар корхонаси ва бошқа кўплаб йирик корхона ва ташкилотлар ходимлари иш ҳақи ва унга тенглаштирилган маблағларни эндиликда пластик карточкалар орқали олишмоқда.

Банкнинг Сирдарё ва Хоразм вилоятлари бошқармалари пластик карточкаларни жорий этиш жараёнида банк-иштирокчи сифатида қатнашаётган бўлса, Самарқанд, Наманган, Қашқадарё, Фарғона, Андижон вилоятлари бошқармалари эса, улар билан операция пунктлари сифатида ишлай бошлади. Ҳозир банк терминаллари сони 168 тага етиб, 10 минг донадан зиёд пластик карточкалар муомалага чиқарилди. Мижозлар қўлидаги пластик карточка қолдиғидаги маблағга йиллик 42 фоиз даромад тўланмоқда. Айтгандай, “Пластик карточка” омонат турига жалб этилган маблағлар ўтган йили 1 миллиард сўмдан ошди.



Банк хизмат турлари мунтазам такомиллаштириб борилмоқда ва мижозларга янги қулайликлар яратилмоқда. Электрон ҳақ тўлаш тизимининг кенгайиб бораётгани, ягона тўлов карточкасига дадил ўтилаётгани маблағлардан самарали фойдаланиш имконини бермоқда.

Ўз депозитлари базасини шакллантириш, аҳоли омонатлари салмоғини ошириш вазифаси банкнинг доимий диққат-эътиборида турибди. Бу саъй-ҳаракат ўзини оқламоқда. Бир йилда аҳоли омонатлари 6,5 миллиард сўмга кўпайиб, ҳозир 18,5 миллиард сўмни ташкил этмоқда.

## Истиқбол режалари

Хўжаликни юритиш ва ўзаро молия-иқтисодий муносабатлар тамойиллари жадал ўзгариб бораяпти. Бу — бозор қонуниятининг табиий шарти. Шунга мутаносиб ҳолда хўжалик субъектларига банк хизмати кўрсатишнинг шакл ва усуллари ҳам ўзгармоқда. “Пахта банк” ана шу жараён талабларига монанд ҳаракат қилмоқда. У мамлакат ҳамда чет эл молиявий институтлари амалий фаолиятида пайдо бўлаётган илғор янгиликларни зийраклик билан кузатиб, энг муҳимларини ўз фаолиятида жорий этмоқда.

Яқин орада асосий эътибор ахборотларни узатиш корпоратив тармоғини банк бўлимлари ўртасида юқори тезликдаги алоқа линияларини жорий этиш орқали такомиллаштиришга қаратилади. Ахборотларни тўплаш ва қайта ишлашнинг ягона базаси яратилади. Унинг инфратузилмаси янада ривожланади. Мини банклар тармоғи кенгаяди. Бутун “Пахта банк” тизими зарур ва энг янги банк технологиялари ва дастурлари билан таъминланади.



Бу тадбирлар банкнинг ҳамма бўғинларида иш сифатини ошириш, замонавий банк хизмати усулларини жорий этиш имконини яратади. Натижада банкка янги-янги мижозлар жалб этилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни рағбатлантириш, банк пластик карточкалари орқали ҳисоб-китоб қилишнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, савдо тармоқларида терминалларни қўллаш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

“Пахта банк” халқаро андоза ва тамойилларни жорий этиш, ўз фаолиятини тўла универсаллаштириш ва янги бозорларга кириш йўлидан дадил ва ишонч билан бормоқда. Бу эса, унинг республика фонд бозоридаги мақомини мустаҳкамлашга, янги акциялар эмиссиясини тўлиқ жойлаштириш, андеррайтенг ва қимматли қоғозлар бозорида бошқа хизмат турларини кенгайтиришга ёрдам беради.

Банкка чет эл кредит линияларини жалб этиш янада кенг қулоч ёяди. Бу ўз навбатида кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, банк ресурс базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг бўш маблағларини кўпроқ жалб этиш, кредит маблағларига бўлган талаб ва эҳтиёжни янада тўлароқ қондириш учун кенг йўл очади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда “Пахта банк” ойдин истиқбол сари дадил қадам ташламоқда.

*Кўнгил манзаралари*

# Юракка шуъла тушди

Улар эрталаб яна жанжаллашиб қолишди.

— Бу уйнинг бор ташвиши менинг чекимга тушган экан-да-а? Эркак бўлиб ишдан вақтида келмасангиз, болалар тарбиясига қарамасангиз, қўни-қўшни, қон-қариндош йўқловларигаям бир ўзим бораман. Шу инсофданми, ахир?!

— Бўлди, секинроқ, болалар ухлашаяпти, — деди эркак. — Иш кўп, нима қилай? Ҳали ҳаммасига вақт топамиз, мана, кўрасан, йўқловларгаям, кино-театргаям бирга борамиз!

— Неча йилларки, шу ваъда! Энди ишонмайман сизга. Умрим ўтиб кетаяпти. Тоқатим тоқ бўлди. Бундай яшагандан ажрашиб қўя қолган яхши! Ана, аризаям ёзиб қўйдим, имзо чекинг, бугуноқ суд идорасига ташлаб ўтаман!

Эркак тутоқиб кетди:

— Ҳали ариза ёзганман де? Олиб кел, имзо чекканим бўлсин!

Аёл шу куни чиндан ҳам жаҳл устида ариза ёзиб, ётоқхонадаги шкаф устига қўйганди. Негаки, эрига шуни кўрсатса, у «Бас, шунчаликка бормайлик, мана, бугундан бошлаб уйга вақтида қайтаман, ҳамма айтганингга кўнаман» дейишини ва сўнг аризани йиртиб ташлашини кутганди. Лекин иш чаппасига айланиб, мана энди... Ахир, эри ёмон одам эмас. Ичмайди, чекмайди, уриб-сўкмайди. Фақат уйда жуда кам бўлишини айтмаса... «Оҳ, шу аризамни нега ёздим, ўзи?» ўйларди аёл. Сўнг шкаф устидан қоғозни олиб, бўшашибгина эрига узатди:

— Мана!

Эр портфелидан ручка олиб, аризанинг энг пастига нималарнидир тез-тез ёзди-да, кейин имзо чекиб, хотинига тутқазди:

— Энди буни хоҳлаган идорангга топшираверь. Мен ишга кетдим.

Аёлнинг юраги «шув» этди. «Ҳаммаси тамом! Энди нима бўлади?». Беҳолгина деворга суянди, кўзлари жиққа ёшга тўлди. Сўнг қўлидаги қоғозга астагина кўз ташлади. Унда ҳозиргина ёзилган қинғир-қийшиқ ёзувларни ўқиди: «Айбимни тан оламан. Чўзилган илмий ишим эрта-индин ниҳоялайди. Кейин ҳаммаси ўрнига тушади. Ажралишга келсак... Шундай оқила, жонкуяр, меҳрибон рафиқамдан ажралиб, мен ҳали ақлимни йўқотганимча йўқ. Бор гап шу...»

Аёлнинг юраги қувончдан дукурлаб кетди. Эрининг шоша-пиша ёзилган дастхатини авайлаб, аста кўзларига суртди...

# Қўшничилик бузилмасин...

Бир неча кундирки, Дилбархоннинг кўнгли ғаш. Арзимаган нарса сабаб бўлиб, қўшниси Қумрихон билан аразлашиб қолди. Икки қўшни ёнма-ён идорада ишлашар, кўпинча эрталаб йўл-йўлакай суҳбатлашиб кетишарди. Ишдан қайтаётганларида ҳам эшик ёнида учрашишарди. Мана, уч-тўрт кун ўтди, иккови бир-бирига дуч келиб қолишса, терс бурилиб кетишади. Гап йўқ, сўз йўқ...

Дилбархон ишдан қайтаётиб, шуни ўйлар, арзу араз қилиб юриш яхшилик аломати эмаслигини ич-ичидан ҳис қиларди. Сўнг у ўзини оғир хаёллардан чалғитмоқчи бўлди. «Бугун нима овқат қилсамикин, ўйлади у. Баҳор келди ҳамки, ҳали бирор марта болаларга кўк сомса пишириб бермабман-а?!» У йўл ёқасидаги кўкат бозорига кирди. Исмалоқ, жағ-жағ, ялпиз харид қилди. Кечқурун болалари биринкетин кириб келишганида уй ичини кўк сомса ҳиди тутиб кетганди. Дилбархон иссиқ сомсалардан ихчамгина лаганга териб, ўғлига тутқазди:

— Қумрихонларникига олиб кир!

Ўғли сал ҳаяллаброқ кайтиб келди.

— Онажон, ўртоғим билан бир қур шахмат ўйнадик. Сомсани мақтаб-мақтаб ейишди, сизга раҳмат айтишди.

Дилбар эрталаб нонушта тайёрлаётганида эшик қўнғироғи жиринглади. Чиқса, Қумрихон. Қўлидаги пиёлачада сумалак.

— Ҳозиргина ойимлар бериб юборибдилар. Сизларга илиндим.

Икки қўшни шу куни, гўё ораларидан ҳеч нарса ўтмагандек, яна чақчақлашиб ишга кетишди.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.**

*Ўзбекистон — умумий уйимиз*

# ЕВГЕНИЙГА НАВРЎЗ ТУҲФАСИ

Шу куни 9 ёшли Евгенийнинг қувончи чексиз эди. Сабаби — ҳамма тенгдошлари уни чин кўнгилдан табриклашди. Ҳомийлар томонидан совға-саломлар улашилди. Унга ўзбекона дўппи, тўн кийдиришиб, белини чиройли белбоғ билан боғлаб қўйишди.

Тўкин дастурхон атрофида айтилган ширин тилаклар ҳам Евгенийга бағишланди. Тадбир ҳомийси — Ургут тумани мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг раиси Хосият Холиқова тўйдан кейин ҳам Евгенийга нисбатан меҳр-мурувват ёрдами кўрсатишини алоҳида таъкидлади.

Самарқанд шаҳридаги «10-Меҳрибонлик уйи»да бундай тадбирлар кўплаб ўтказилади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос байрамга айланади. Наврўз байрами кунларида эса яна бир қанча ташкилот вакиллари «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари ҳолидан хабар олишди.

**Салоҳиддин ЗОҲИДОВ.**

NBU
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«Carrier» «Blue box», «Alarko» русумли чиллерлар (совутиш ускуналари), шунингдек, «GENERAL ELECTRIC» (VICTRON) русумли узлуксиз таъминот манбалари учун эҳтиёт қисмлар ва материаллар ҳамда «HUINDAY» русумли аккумуляторлар етказиб бериш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Қўшимча саволлар билан «Ўзмиллийбанк»нинг Кўчмас мулк ва объектлардан фойдаланиш бош бошқармасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Танловда қатнашиш учун буюртманомалар 2004 йилнинг 5 апрелига қадар қабул қилинади.
Телефонлар: 133-15-86,42-94-36.
www.nbu.com

*Мустақиллик шарофати*

*ЮНЕСКОнинг Қарши шаҳрига эътибор бераётганлиги бежиз эмас. Шаҳарларнинг қадимийлиги осон тан олинмайди. Мустақиллигимиз шарофати ва олимларимиз ақл-заковати туфайли юртимиздаги томири 3 минг йилга кетадиган шаҳар сирасига Қаршининг қутлуғ номини ҳам қўшиш имкони яратилди. Жаҳон цивилизацияси байроқдори бўлган ЮНЕСКО қадимий ва навқирон Қаршининг 2700 йиллик ёшини эътироф этган экан, бундан фахр ва ғурур туймай бўладими?!*



# Мозий-ла бўйлашган шаҳар

Ҳозирги Қаршидан 10-12 чақирим шимолроқда, Косон тарафга кетгувчи йўл бўйида ҳайбатли деворлар билан ўралган қадимият обидасини аҳоли Ерқўрғон деб атайди. Қадимшунос ва муаррихларнинг фикрларига кўра, қалъа харобасининг ўзи 150 таноб майдонни эгаллаган, бу жой 27 аср муқаддам Кешк рудининг Рўдак (дарёча) деган ирмоғи бўйида, ҳозирги Қашқадарёнинг ўрта оқимида вужудга келган Нахшаб шаҳрининг қадимий ўрнидир. Бу манзил дастлаб милоддан бурунги IX асрларда қишлоқ сифатида қарор топади. Деҳқончилик ривожи сунъий суғоришни йўлга қўйишни тақозо этади. Қашқа воҳасининг тоғли қисмида 10 га яқин катта-кичик дарёлар бор. Лекин уларнинг Қашқадарёдан бошқа бирортаси Қарши чўли ҳудудларига етиб келмайди.

Милодга қадар бўлган 1 минг йиллик ўрталарида Эрон подшоҳлари Туронга талаб солиб келганларида аввал бошдан сунъий суғориш иншоотларини эгаллашга интилар эдилар. Нахшабдан қуйи ҳудудларга - Базда (ҳозирги Фазли), Казбион (Касби), Лфурон (Оброн), Фадян (Фундина) ва бўлак қишлоқларга, экин-тикин пайкалларига ариқлар чиқазилган. Ўзига хос сув тақсимлаш марказига айлана борган қишлоқ сувга бўлган эҳтиёж сабаб, аста-секин кенгайиб, кучайиб, шаҳарга айлана боради. Бу мақом, айтиш жоизки, сув туфайли Нахшабга боғланган теварак-атроф қишлоқлар, яъни воҳанинг қуйи қисми учун унинг асосий шаҳарлик рутбасини ҳам белгилаган.

«Нахшаб» сўзининг маъноси турлича талқин этилади: уни сув билан, шунингдек, ов билан боғлаш ҳоллари бор. Шаҳар номи, фикримизча, кўпроқ сув билан узвий бўлса керак. Эҳтимол, «Нахшаб» сўзи сув нақши, сув безаги, дейишга асос берар. Сувнинг бу воҳа учун қанчалик аҳамият тутганлигини бир мисолда кўрайлик. Милоддан бурунги V асрларда, Доро юртимизни босиб олган даврларда Нахшабдан ариқларга сув очиш учун Эронга бориш ва подшоҳ девонидан махсус рухсат олиб келиш мажбурияти юзага чиққан.

Нахшабнинг — ҳозирги Қарши шаҳрининг илк ўтмишдоши бўлган манзилнинг нечоғлик узун умр кўрганлиги, мозийга қанчалик томир отганлиги муаммоси яқин ярим аср давомида қадимшунослар томонидан ўрганилди. Ўтган асрнинг биринчи чораги охирларидан то 2000 йилга қадар, тадқиқ майдони сифатида танланган Нахшаб — Ерқўрғон қадимшунослик фани учун кўп осори-атиқалар инъом этди. Ж. Кастанье (1917), Л. Зимин (1927), А. Тереножкин (1947), С. Кабанов (1947-1988), М. Массон (1935-1984), Я. Ғуломов (1966), М. Исомиддинов, М. Ҳасанов, М. Тўрабекова, Н. Нефедов, В. Пирин, А. Раимқулов, Б. Кочнев сингари қадимшунос олимларнинг Нахшаб улуғворлигини белгилашдаги хизматлари беқиёс. Айниқса, қадимий Ерқўрғон — Нахшабнинг мукаммал илмий тасарруф этилишида бу ишга ақл-заковатини, бутун илмий ҳаётини, қалб қўрини бахшида этган профессор Рустам Сулаймоновнинг улуши беназирдир.

1937 йилдан бошлаб Ерқўрғон мунтазам текширишлар мавзуига айланади. Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг тадқиқот ишлари янги поғонага кўтарилди. Ерқўрғон — Нахшабнинг Қашқа воҳасидаги она- шаҳар эканлиги далолат этилди. Энг сўнгги текширувлар самараси ўлароқ, Ерқўрғон ҳудудида 1999 йилда милодгача бўлган VII асрда тикланган қалъа девори қолдиқлари кулоллар маҳалласида очилди. Қалъа девори — мустаҳкам истеҳком иншооти қадимий шаҳарларнинг бош аломатларидан бири ҳисобланади. Мана шу далил Қарши шаҳрининг ўтмишдоши бўлган Нахшаб — Ерқўрғоннинг шажараси милодга қадар бўлган VII асрга кетишини тасдиқлаган омиллардан бири бўлди. Бу жойдан топилган кулолчилик осори атиқалари ёши эса янада қадимийроқ: «Ерқўрғон шаҳарчасидаги маданий қатлам ва унинг жинслари эрага қадар бўлган IX-VIII асрлардан эътиборан кулолчиликнинг муттасил тараққиёти манзарасини ифода этади», дейди таниқли қадимшунос олимлар М. Исомиддинов ва Р. Сулаймонов.

Нахшабнинг табиий қулай жойлашганлиги кўп ғанимликларга сабаб бўлмай қолмайди. Эрон подшоҳларининг тез-тез такрорланиб тургувчи босқинлари, олис Оврупонинг Моқидуниясидан келган Искандар қирғини шаҳарнинг ниҳоят вайронага айланишига сабаб бўлади. Айниқса, кидарийлар, эфталийлар ҳуружларидан сўнг уч-тўрт чақирим юқорироқдан янги шаҳарга тамал қўйилади. Милоднинг нари-берисида танилиб, шаҳар тусини ола бошлаган бу жой Нахшаби боло —Юқори Нахшаб деб аталади. Хитой ва арман ёзма манбаларида Нашебо, Нашеболо деб талқин этиладиган жой номи аслида «Нахшаби боло» атамасининг қисқартилиб айтилишидир. Рўдаксой-Қашқадарёнинг ўнг тармоғи ёнида қад ростлаган ва уруш-низолар оқибатида вайрон бўлган Нахшаб умри шу тариқа Нахшаби болода давом этади. Тазйиқлар сабаб олдинги ўрнидан силжиб янги жойда томир ота бошлаган шаҳар сув тақсимоти бобида, барибир, олдинги мақомини сақлаб қолади. Нахшаби боло ўрни ҳозирги вақтда Шуликтепа деб аталувчи обида сарҳадига тўғри келади. Нахшаби боло Қашқадарёнинг ёйилиб оқадиган равон жойида, дарёнинг ҳар иккала қирғоғида (бу кўпгина туркий шаҳарларга хос) қарор топади. Бу шаҳар ҳам ўз бошидан кўпгина тажовузларни кечиради. VII-VIII асрларда юз берган араблар босқини шаҳарни четлаб ўтмагани сингари, айтарли катта зарар ҳам етказмаган. Араблар Мовароуннаҳрнинг йирик шаҳарларидан бири даражасига етган Нахшаб номини ўз тил хусусиятларига мослаб «Насаф» деб атай бошлаганлар.

XII асрда Насафда икки ой яшаган муаррих Сомъоний ўзининг «Китоб ал-ансаб» (1155) асарида Насафнинг 3 маҳалласи, 4 кўчаси, 2 масжиди, 2 карвонсаройи ва 1 минораси ҳақида маълумот беради. «Боён» маҳалласида Бухородан келган машҳур ҳадисшунос имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий бир қанча вақт яшаб турган. Сомъоний Насафда бўлган пайтида Имом Исмоил қатнаган Боён масжидида намоз адо этиб турганлигини айтади. Сомъоний Насафнинг яна бир бешинчи дарвоза — Ал-Мақсура борлиги ҳақида ҳам гапиради. Афтидан, бу дарвоза масжидга тааллуқли бўлиб, ундан хос кишилargина кириб чиққан, деб тахмин қилиш мумкин.

Насаф IX-X асрларга келиб, Марказий Осиёдаги йирик илм-фан марказларидан бирига айланади. Буни Сомъонийнинг қуйидаги маълумотидан англаш қийин эмас. Олим Марказий Осиёдаги ҳадисшунослик таълимоти ва мактабларига тўхталар экан, Бухоро, Самарқанд ва Марв ҳадисшунослик мактаблари қаторида Насафни ҳам зикр этиб ўтади. Насаф ҳадисшунослиги мактабида Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Тадёний (Фудина), Ҳаммад ибн Шокир ан-Насафий, Абдулмўмин ибн Халаф ан-Насафий, Ал-Лайс ибн Наср ал-Кожарий, Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий, Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладий (Пўлоти), Ал-Ҳасан ибн Али ал-Ҳаммадий ан-Нахшабий сингари забардаст олимлар етишганлиги эътироф этилади.

Шарқ оламида Насафнинг илмий ва маданий марказ сифатида тан олиниши Муқаддасий келтирган яна бир маълумотда тасдиғини топади. У, жумладан, X асрда Насафда ўтган «Мажлис-тадрис» илмий анжумани тўғрисида хабар беради. «Мажлис-тадрис» халқаро илмий конгресс бўлиб, илк ўрта асрларда илм-фан, ислом тараққий қилган шаҳарларда вақти-вақти билан ўтказилган. Унга жаҳоннинг турли мамлакатларидан йирик алломалар, фиқҳшунослар, ҳадис илми соҳиблари, тафсирчи олимлар таклиф этилган. Насафдаги «Мажлис-тадрис»га ҳам Макка шаҳридан Абдулқосим Каъбаий ташриф буюради. У муътазалийлик оқимининг таниқли пешволаридан бири бўлган ва 931 йилда вафот этган.

Илм-фан маркази бўлган, савдо-сотиқ ривож топган, бир сўз билан айтганда, гуллаб-яшнаган Насаф қисмати ҳам аянчли якун топади. XIII аср биринчи чораги охирларида юртимизга бало-қазодай ёпирилган мўғул лашкарлари шаҳарни култепага айлантиради. Насаф теграсидаги ариқлар кўмиб ташланади. Қарши этакларида кўпгина қишлоқлар обиҳаётдан маҳрум бўлиб, йўқликка юз тутади. Қашқа воҳасининг қуйи сарҳадларига назар солган киши бу жойларнинг тепаларга сероб эканлигига, улар турнақатор тизилганлигига амин бўлади. Тепалар XIII асрга қадар воқеа бўлган деҳқонлар манзиллари, деҳқончиликнинг ўзига хос қўрғонлари эди.

Табиийки, шаҳар умрини тугатгани билан одамлар яшашда давом этадилар. 1318 йилда Чиғатой авлодидан бўлган Кепакхон (Кебакхон) Қаршининг ҳозирги темир йўл шоҳбекати яқинидаги қадимий Зоҳоки Морон тепалигида ўзига қаср барпо этади. Кепакхон қасри Насафдан 16 чақирим жануброқда қурилади. Аста-секин хон турган жой гавжумлаша боради ва шаҳар тусини олади. Қаршининг катта майдонни ишғол этганлигини унинг 3 та девор ҳалқаси билан ўраб олинганлиги ҳам исбот этади.

«Қарши» сўзининг маъноси турлича талқин этилади. Ҳатто Бобур уни мўғулча сўз, «гўрхона» дейди. Бир жиҳатини назарда тутганда, Бобур муболағa қилмаган. У Қаршида бўлган кезларида, яъни 1510-1512 йилларда шаҳарнинг чор атрофи қабристонлар билан тўла эди. Ўзбекистондаги ҳеч бир шаҳарда Қаршидагичалик кўп мозорот йўқ. Шаҳар ўша йилларда кўп кулфатларни бошдан кечирган, босқинларнинг жабрини тортган эди. Бироқ «Қарши» сўзининг луғавий маъноси «гўрхона» эмас, балки тарихчи ва тилшунос олимларнинг фикрича, сарой, қаср деган моҳиятга эга.

Шаҳримизнинг илк ўрта асрларда Насаф деб ном олган даври Шарқ мамлакатларида, Оврупода маълум ва машҳур. Насафни жаҳоншумул қилган куч, шубҳасиз, унинг фарзандлари — аллома ва адиб Насафийлардир. Бу ўринда 100 дан зиёд асар ёзган, «Самарқандия»си билан Оврупо муаррихларини ҳайратга солган Нажмиддин Насафий, Мисрдаги «Ал-Азҳар» дорулфунунида икки жилдлик китоби дарслик сифатида ўрганилиб келинаётган Ҳафизиддин Абул Барокат ан-Насафий, IX асрда яшаган, Алишер Навоий пир сифатида эҳтиром этган Абу Туроб Нахшабий исми-шарифларини тилга олиш кифоя. Ҳолбуки, Шарққа довруғ солган Насафийлар сони 300 дан кўпроқ, деб ҳисоб қилинади.

«Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир», деган эди буюк адибимиз Абдулла Қодирий. Шундай экан, шаҳримизнинг залворли тарихини ўзида нисбатан тўлароқ мужассамлаштирган Насаф номи ҳақида ўйлаб кўриш, уни тикланаётган қадриятларимиз янглиғ буюк келажагимиз соҳибларига — ёш авлодга улуғ бобокалонларидан ёдгорлик сифатида қайта тақдим этсак, хайрли иш бўларди.

**Поён РАВШАНОВ,**
**Қарши давлат университети проректори, филология фанлари номзоди, доцент.**

«Ўзнефтгазқудуқтаъмирлаш» ОАЖ

ўз акциядорларини 2004 йил 3 май куни соат 10.00 да ўтказиладиган умумий йиғилишга таклиф этади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 8.30 да бошланади.

**Кун тартиби:**

1. Кузатув кенгашининг ўз фаолияти ва ишончли бошқарувчининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.
2. Ижроия органининг 2003 йил фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботи.
3. Жамиятнинг 2003 йил молия хўжалиги якуни бўйича аудиторлик текшируви хулосасини тасдиқлаш, олинган фойдани тақсимлаш ва дивиденд тўлаш.
4. 2004 йил учун бизнес-режани тасдиқлаш.
5. Жамият раиси билан тузилган ишга ёллаш шартномасини 2004 йилга узайтириш.
6. 2004 йил учун аудиторни тасдиқлаш.
7. Бошқа масалалар.

Манзил: Бухоро вилояти, Қоровулбозор шаҳри, «Қарши» шоҳкўчаси, «Ўзнефтгазқудуқтаъмирлаш» ОАЖ маъмурияти биноси.

«Ўзнефтгазқудуқтаъмирлаш» ОАЖнинг
2004 йил 1 январь ҳолатига кўра, балансни ва молиявий натижалари

| Кўрсаткичлар | Минг сўм |
|---|---|
| Актив | |
| Узоқ муддатли активлар | 3472084 |
| Оборот активлар | 4106781 |
| ЖАМИ | 7578865 |
| Пассив | |
| Ўз маблағлари манбалари | 4160654 |
| Мажбуриятлар | 3418211 |
| ЖАМИ | 7578865 |
| Молиявий натижалар | |
| Сотишдан олинган тушум | 5630507 |
| Жами харажатлар | 4401360 |
| Фойда | 1237637 |
| Фойдадан тўланган солиқлар | 441241 |
| Тақсимланмаган фойда | 796396 |
| Низом жамғармаси | 217700 |

Баланс тўғрилиги 00557-сонли лицензияли «Бухоронефтгазаудит» аудиторлик ташкилоти раҳбари Р.Саидов томонидан тасдиқланган.

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси
Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

қуйидаги иншоотларга
танлов савдоси (тендер) ўтказилишини эълон қилади:

1. Наманган вилояти, Поп тумани, Ғурумсарой қўрғонидаги «Ғурумсарой» ширкат хўжалиги маъмурий биносини қайта таъмирлаб, 300 ўринли иқтисод йўналашидаги касб-ҳунар коллежига мослаштириш (2-этап) объектини тайёр ҳолда (под ключ) қуриш.
Лойиҳани тайёр ҳолда (под ключ) қуриш бошланғич нархи — 384 419 000 сўм.
Қурилишни якунлаш муддати — 2004 йил 31 октябрь (7 ой).
2. Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, «Янгиобод» ширкат хўжалиги маъмурий биносини қайта таъмирлаб, 300 ўринли педагогика йўналишидаги касб-ҳунар коллежига мослаштириш объектини тайёр ҳолда (под ключ) қуриш.
Лойиҳани тайёр ҳолда ( под ключ) қуриш бошланғич нархи — 566 465 200 сўм.
Қурилишни якунлаш муддати — 2004 йил 10 декабрь (9 ой)
3. Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Боғистон қишлоғидаги мактаб-интернатни 750 ўринли қурилиш ва коммунал хўжалик йўналашидаги касб-ҳунар коллежига мослаштириш объектини тайёр ҳолда (под ключ) қуриш.
Лойиҳани тайёр ҳолда (под ключ) қуриш бошланғич нархи — 803 298 000 сўм.
Қурилишни якунлаш муддати — 2004 йил 10 декабрь.

*Буюртмачи — Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси. Телефонлар: (8-3692) 26-22-60,33-77-06.*
*Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.*

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг 20 фоиз миқдорида бўш айланма маблағига, молиявий имкониятлар ва материаллар заҳирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти консалтинг марказига қуйидаги манзилга:

**Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уйга (Матбуот уйи, 4-қават)**
**иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилиш мумкин.**
**Тел./факс: (8-3692) 26-14-50, 26-47-91.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50000 сўм.

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Хўжаев кўчаси, 59-уй.*

ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ОБОЗРЕНИЕ ЖУРНАЛИ




ИМКОНИЯТ БЕРУВЧИ АХБОРОТ ВА БИЛИМ!

- ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ТАМОЙИЛ ВА МУАММОЛАР
- БОЗОРЛАР ВА КОРХОНАЛАР ҲАҚИДА ИШОНЧЛИ АХБОРОТ
- ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ МАСАЛАЛАРИ
- ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЖУРНАЛ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ГАЗЕТА ДЎКОНЛАРИ ВА СУПЕРМАРКЕТЛАРИДА СОТИЛМОҚДА

ОБУНА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

WWW.REVIEW.UZ • ОБУНА ИНДЕКСЛАРИ – 957, 958 • SALES@CER.UZ

Қайд қилинган гувоҳнома № 00023

BANK
ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, барча вилоят хўжаликлари, ташкилот ва бошқарма бошлиқлари диққатига!**

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРАТИ

**2003-2004 ўқув йилида бакалавриат ва магистратура йўналишлари бўйича битирувчиларни шартномалар асосида иш жойларига тақсим қилишга киришмоқда.**

**Шу муносабат билан битирувчи бакалаврлар ва магистрларга уч томонлама шартнома асосида уларнинг хоҳиши бўйича келгусидаги иш жойини танлаш имкониятини яратиш мақсадида сиз раҳбарлик қилаётган муассасангизда ёш мутахассисларга яратиб бериш мумкин бўлган имкониятларингизни (маош, устама ҳақ тўлаш, турар жой билан таъминлаш ва уларга бериладиган бошқа имтиёзларингиз) ҳақида университетга жорий йилнинг 1 июнига қадар хабар беришингизни сўраймиз.**

**Ректорат 2003-2004 ўқув йилида қуйидаги жадвалда кўрсатилган йўналишлар бўйича университетни битираётган юқори малакали бакалавр ва магистрлар ҳақида статистик маълумотни сизнинг эътиборингизга маълум қилмоқда.**

***Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 63-75-09, 63-63-35, факс: 63-76-00, маркетинг хизмати бўлими: 63-75-09, e-mail tsau@uzpak.uz***

***Университет ректорати.***

## 2003-2004 ўқув йилида битираётган бакалаврлар ҳақида статистик маълумот

| № | Мутахассислик йўналишлари / Ёш мутахассисларнинг келиб чиқиш жойи | Иқтисодиёт | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит | Агрономия | Қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилиги ва селекцияси | Агрокимё ва агротупроқшунослик | Ўсимликлар ҳимояси | Мева-сабзавотчилик ва узумчилик | Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси | Ўрмончилик | Зооmуҳандислик | Ипакчилик | Касбий-педагогика | ЖАМИ битирувчилар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Тошкент шаҳри | 27 | 21 | 11 | 2 | 4 | 8 | 6 | 8 | 5 | 3 | 5 | 11 | **111** |
| 2 | Тошкент вилояти | 31 | 24 | 23 | 10 | 9 | 18 | 24 | 7 | 11 | 15 | 4 | 7 | **183** |
| 3 | Андижон вилояти | 1 | 1 | 2 | - | 1 | - | 1 | - | 1 | - | 2 | 1 | **10** |
| 4 | Наманган вилояти | - | - | 4 | - | 2 | 1 | 3 | - | - | 1 | 1 | 2 | **14** |
| 5 | Самарқанд вилояти | 2 | 2 | 4 | - | 2 | 2 | - | 3 | - | - | 2 | 6 | **23** |
| 6 | Жиззах вилояти | 4 | 3 | - | - | 2 | - | 2 | - | - | - | - | 4 | **15** |
| 7 | Фарғона вилояти | 3 | 1 | 5 | 2 | 1 | - | - | - | - | - | 1 | 1 | **14** |
| 8 | Қашқадарё вилояти | 5 | 13 | 16 | 5 | 8 | 18 | 2 | 19 | 2 | 12 | 9 | 23 | **132** |
| 9 | Сурхондарё вилояти | 9 | 6 | 9 | 1 | 6 | 9 | 8 | 3 | 2 | 9 | 6 | 14 | **82** |
| 10 | Бухоро вилояти | 3 | 1 | 6 | - | 3 | 1 | 4 | - | 1 | - | 1 | 1 | **21** |
| 11 | Навоий вилояти | 1 | 2 | 1 | 1 | 4 | 1 | - | - | 2 | - | 1 | 1 | **14** |
| 12 | Хоразм вилояти | 4 | 11 | 4 | - | 1 | - | - | 1 | 1 | 1 | - | 2 | **25** |
| 13 | Сирдарё вилояти | 1 | - | - | - | 1 | 1 | - | - | - | 1 | - | - | **4** |
| 14 | Қорақалпоғистон Республикаси | - | 3 | 5 | - | - | 1 | - | - | - | - | - | 6 | **15** |
| 15 | Бошқа давлатлар | - | - | 1 | - | - | - | - | - | - | 1 | - | - | **2** |
| | **ЖАМИ** | **91** | **88** | **91** | **21** | **44** | **60** | **50** | **41** | **25** | **43** | **32** | **79** | **665** |

## 2003-2004 ўқув йилида битираётган магистрлар ҳақида статистик маълумот

| № | Мутахассислик йўналишлари / Ёш мутахассисларнинг келиб чиқиш жойи | Тармоқлар иқтисодиёти | Менежмент | Маркетинг | Тупроқшунослик | Пахтачилик | Дончилик | Ўсимликларни касаллик ва заракунандалардан асраш | Мевачилик | Узумчилик | Сабзавотчилик | Ҳимояланган ерда сабзавотчилик | Энтомология | Ипак қурти биологияси ва агротехникаси | Ғўза уруғи ва селекцияси | Дала экинлари уруғчилиги ва селекцияси | Мева ва сабзовот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси | Наслчилик иши | Паррандачилик | Ўрмон мелиорацияси | Мева-сабзавотчиликда биотехнология | Тупроқ бонитировкаси | Касбий-ҳунар фанларини ўқитиш методикаси | Ўсимликшунослик | Агро (далачилик) | ЖАМИ битирувчилар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Тошкент шаҳри | 5 | 8 | 5 | - | - | - | - | - | - | - | - | 1 | - | - | - | 1 | - | 1 | 2 | - | - | 2 | - | - | **24** |
| 2 | Тошкент вилояти | 6 | 10 | 4 | 1 | 1 | 1 | 2 | - | - | - | - | 1 | - | 2 | - | 2 | 1 | 2 | 1 | - | - | 1 | 2 | - | **37** |
| 3 | Андижон вилояти | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | 1 | - | 1 | - | - | - | - | - | - | - | - | 2 | **4** |
| 4 | Наманган вилояти | - | - | 1 | - | - | 1 | 2 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | **4** |
| 5 | Самарқанд вилояти | - | 1 | - | - | - | - | - | - | - | 2 | 1 | - | 1 | - | 2 | - | - | - | - | - | 1 | - | 1 | - | **9** |
| 6 | Жиззах вилояти | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | 2 | - | - | - | - | **2** |
| 7 | Фарғона вилояти | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | **-** |
| 8 | Қашқадарё вилояти | 1 | - | - | - | 1 | - | - | 1 | 1 | - | - | 1 | 1 | 1 | 1 | - | 1 | - | - | - | - | 1 | - | - | **10** |
| 9 | Сурхондарё вилояти | 2 | - | 1 | 3 | 1 | - | 2 | - | - | - | 1 | - | - | - | - | 1 | - | - | - | 1 | - | 1 | - | - | **13** |
| 10 | Бухоро вилояти | - | - | - | - | 2 | - | - | - | - | - | - | 1 | 1 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | **4** |
| 11 | Навоий вилояти | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | **-** |
| 12 | Хоразм вилояти | - | 1 | - | - | 1 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | 1 | - | - | 1 | - | - | - | - | - | - | **4** |
| 13 | Сирдарё вилояти | 1 | 1 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | **2** |
| 14 | Қорақалпоғистон | - | - | - | 1 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | 1 | - | - | - | - | - | - | - | - | **2** |
| 15 | Бошқа давлатлар | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | **-** |
| | **ЖАМИ** | **15** | **21** | **11** | **5** | **6** | **2** | **6** | **1** | **1** | **2** | **2** | **4** | **4** | **3** | **5** | **5** | **2** | **4** | **3** | **3** | **1** | **4** | **3** | **2** | **115** |


Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

*танлов савдоси эълон қилади.*

***Объектлар номи:***

1. Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани, Ёзёвон шаҳарчасидаги спорт мажмуасини лойиҳалаш ва қурилиши (фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш шарти билан).
*Қурилиш муддати — 600 кун. Бошланғич баҳоси — 255,5 млн. сўм.*
2. Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, Яккатут қишлоғи, С.Азизов номли ширкат хўжалигидаги спорт мажмуасини лойиҳалаш ва қурилиши (фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш шарти билан).
*Қурилиш муддати — 600 кун. Бошланғич баҳоси — 253,5 млн. сўм.*
3. Фарғона вилояти, Қува тумани, М.Ҳасанов номли м/к, М.Ҳасанов кўчасида жойлашган спорт мажмуасини лойиҳалаш ва қурилиши (фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш шарти билан).
*Қурилиш муддати — 600 кун. Бошланғич баҳоси — 253,5 млн. сўм.*

***Буюртмачи — Фарғона вилояти ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси.***
***Манзили: Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси, 60-уй. Тел./факс: 24-24-33.***
***Қурилиш ишлари Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Фарғона филиали томонидан молиялаштирилади.***

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (заҳирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Фарғона вилояти марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

***Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 29-«А» уй***
***(Фарғона вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси).***
***Тел./факс: 26-43-19, 26-82-93.***

*Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.*

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади. Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 29-«А» уй (Фарғона вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси).*

O'ZSANOATQURILIShBANK
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !

## Диққат, танлов!

**Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерацияси билан ҳамкорликда**

***«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» мавзусида***

**барча ўрта мактабларнинг 9-11 синфлари ўқувчилари ўртасида**

## РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ

**ўтказади.**

1. Кўрик-танлов 4 босқичда, яъни:
   - *2004 йил 1 апрелдан 10 апрелгача ўрта мактабларда;*
   - *2004 йил 10 апрелдан 20 апрелгача туманлар (шаҳарлар миқёсида);*
   - *2004 йил 20 апрелдан 30 апрелгача вилоятлар миқёсида;*
   - *2004 йил 5 май куни Тошкент шаҳрида республика миқёсида ўтказилади.*
2. Кўрик-танловнинг ҳар бир босқичи якунида бир нафардан биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари аниқланадилар ва эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.
3. Республика миқёсидаги кўрик-танловда, шунингдек, «Энг зукко истеъмолчи» соҳиби (бир нафар) ҳамда «Энг яхши ташкилотчи» (уч нафар) соҳиблари аниқланадилар ва қимматбаҳо совғалар (компьютер, телевизор, видеомагнитофон ва бошқалар) билан тақдирланадилар.

Қўшимча маълумот олиш учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимларига, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларига, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 133-09-39, 139-83-46 телефонларига ёки унинг ҳудудий бошқармаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

*Кўрик-танловда қатнашинг ва ғолиб бўлинг!*

TS TECHNOLOGY
Компьютерлар ва компьютер технологиялари

**Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари**



**Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари ўзининг умидбахшлиги билан ишончни оқлайди, ундан кўплаб фойдаланувчилар ва қўшимча уланадиган мижозлар ишини уйғунлаштиради ҳамда юқори унумдорлик билан ишлайди.**

**Ўзбекистонда илк бор ишлаб чиқарилаётган, барча халқаро андозаларга жавоб берадиган, баҳоси тўғри келадиган серверлар.**

intel inside XEON

Корпоратив сотувлар: «Middle East Komputers», Тошкент ш., «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, 1520 офис. Тел.: (998 71) 120-77-78, e-mail: sales@tstech.uz
«SK-Rest», Тошкент ш., Мусахонов к., 45-уй. Тел.: (998 71) 133-24-63, e-mail: sk-rest@tstech.uz
Дистрибьютерлар: «Сакоти» МЧЖ, Тошкент ш., тел.: (371) 127-68-47, 127-59-57; «Техсервис», Термиз ш., тел.: (37622) 7-45-54;
«Поиск» ЕИТИ маркази, Фарғона ш., тел.: (3732) 24-13-13, 24-31-80.
http//:www.tstech.uz

Товар сертификатланган. Intel, Intel Inside® ва Xeon™ логотипи Intel Corporationнинг АҚШ ва бошқа давлатларда рўйхатдан ўтган товар белгисидир.

*Ташкилотлар ва фирмалар раҳбарлари диққатига !*

**Ўзбекистон Республикаси ТИАА «Ўзбектендерконсалтинг» агентлиги ва «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» ОАЖ**

## САНТЕХНИКА АРМАТУРАСИГА

**эълон қилинган тендер савдолари муддати узайтирилганлигини маълум қилади.**

***Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2004 йил 29 апрель соат 18.00гача. Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун «Ўзбектендерконсалтинг» агентлигига мурожаат қилиш мумкин.***

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, «Буюк Ипак йўли» кўчаси, 75-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги биноси.
Телефонлар: 68-75-10, 68-25-51, факс: 68-75-96.

BG **«BAXT GULI» МЧЖ**

Қорақалпоғистон Республикасида етиштирилган



## ГУРУЧ МАҲСУЛОТИНИ

улгуржи нархда сотади.

*1 кг. гуруч нархи — 235 сўм.*

Телефонлар: 144-65-32, 148-14-12.



*Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллиги олдидан*

# Отамдек пойдорим, акамдек баландим

Сиз 47 ёшингизда кетдингиз. Мирзо Бобур кетган ёш бу, Шавкат Раҳмон оша олмаган сирли бир довон бу. Негадир, мумтоз бир руҳиятли, дилбар шахсиятли инсонларни олиб кетадиган ёш экан бу қирқ етти.

Бу кун ногоҳ руҳим сизни соғинганини англадим.

Қўлимга қалам олдим, руҳингиз билан юзлашай,дедим.

Биз сиз билан «Туркистон» газетаси қошидаги шеърият сабоқларининг бирида танишдик. Мен шеър ўқидим. Сиз «Эй, бу шеърни сен ёзганмисан, мен кеча газетада ўқидим», дедингиз. Учрашув тугагандан кейин мен билан гаплашиб, юриб кетаркансиз, меҳрингизни билдириб уюшмага бориб туришимни айтдингиз. Сиз гапириб-гапириб секингина сочларимни тўзғитиб, «бунинг руҳи жанжалкаш» деб ҳазил қилдингиз.

Мен хурсанд бўлиб кетдим. Сиздек катта шоирнинг эътирофидан еттинчи осмонни ҳам оёқларим остида қолдирдим чоғи. Кейин Зоминдаги ёш ижодкорлар йиғинига бордик. Мени тинмай эътироф этиб турдингиз. Бу кимга ёқди, кимларга ёқмади — сизни қизиқтирмасди. Сиз беминнат яхшилик қилувчи, ҳокисор ҳабиб, мардона елка тутиб бера олгувчи инсон эдингиз. Юртнинг энг машҳур шоири эдингиз, эл ичида шуҳратлиғ, шонлиғ эдингиз. Сиз чинор эдингиз, соянгизда соялаб юргандик.

Ишсиз эдим. Иш сўраб эмас, сизни кўрай деб ишхонангизга бордим. Хурсанд бўлиб кутиб олдингиз. Аҳволимни сўрадингиз. Ишсизлигимни айтдим. Озгина йўланиб туриб, «мени кутиб тур» деб хонангиздан чиқиб кетдингиз. Бироздан кейин келиб, «Эртага Абдулла аканинг ҳузурига кирамиз, кўп гапирмай тинглаб, одобли қиз бўлиб тургин, бўптими?» дедингиз. Мен эртасига келдим. Улуғ устоз ҳузурига бирга кирдик. Мен озроқ насиҳат, озроқ танбеҳлардан кейин Ёзувчилар уюшмасига ишга қабул қилиндим. Шундай муаззам ва улуғ даргоҳда ишлаш масъулияти елкамни нақадар эзса, шу қадар буюк одамлар билан ишлаш бахти руҳимни шунчалар кўтарар эди.

Азиз устозим! Отамдек пойдорим, акамдек баландим. Сиз қилган мурувватларни эслаб бугун замонамизнинг энг зарофатлиғ кишисини, қалбимнинг энг нодир ҳабибини йўқотганимни англадим. Зарофатлиғ, шарофатлиғ одам эдингиз. Сиз кетгандан кейин суяниб турган тоғим чўкиб кетгандек, узоқ юртга кетгансиз-у, эрта-индин кўришиб қоладигандек бир кайфият ичида юрдим. Элнинг шеърсевар одамлари ичидаги катта ғусса бўлди Сизнинг ўлимингиз. Сизнинг содда ва самимий юрагингизни ичдан англаган дўстларингиз учун қиёмат олдидан дарак берувчи момақалдироқдек қўрқинчли бўлди Сизнинг ғуссангиз.

Устоз!

Сизнинг ижодингиз ҳақида самимий бир гапларни ёзишни хаёл қилиб юрардим, бироқ кун келиб, Сизнинг хотирангиз ҳақида бу ғамли сатрларни ёзишимни ҳеч қачон ўйламагандим.

Сизнинг ўлимингиз. Бу мусибат ғамларим ичида энг кўп маҳзун торттирди мени. Хабарни қишлоқда эканимда эшитдим. Қулоқларим том битиб қолгандек бўлди. Одамлар «шу ростми?» деб мендан сўрайдилар, мен довдираб қоламан. Рост дейишга тилим бормайди. Андижонга бордик. Қабристонга кирдим, намхуш тупроқ остида тоғдек шоир, дилбар бир инсон ётганига қандоқ ишондим, билмадим. Мунғайиб қолган онангиз «Муҳаммаднинг шогирди бўлсанг, айланай, Муҳаммадим учун йиғласанг, айланай» деб мени қучиб йиғлаганларида, совуқ бир тушим ўнгга айланиб, изтиробга солганда, сизнинг йўқлигингизга қандоқ ишондим, билмадим....

Автофалокатдан кейин касалхонада ётганингизда сизни кўргани шоир укаларим Шуҳрат Ориф, Хуршид Рўзиев билан борган эдим. Биз билан сўрашиб, аввал катта устозни зиёрат қилишимизни айтиб, бизни Абдулла Орипов ҳузурига юборгандингиз. Абдулла ака ҳам даволанаётган экан. Сиз ҳар доим устоз аталмиш зотга шундай эҳтиромда турардингиз.

Суҳбатлашиб турар эканмиз, сиз «Биласанми, Гулжамол, мен авваллари эҳтиёт бўлиб ёз десалар, жаҳлим чиқарди. Қандай эҳтиёт бўлиш мумкин, деб ўйлардим. Лекин шу гапда жон бор экан. Қара, бир ҳафта олдин «Лолақизғалдоқ»ни ёзиб тугатгандим. Шеърда «Айтинг дўхтирларга ёришса, ёрсин» деган сатрлар бор эди. Мана бугун мени операция қилдилар. Бу дегани — ёриб кўрдилар дегани. Шоирнинг тақдири айтган сўзига яқинлашиб бориши бор гап экан. Ўлим ҳақида, тақдиринг ҳақида ёзаётганда эҳтиёт бўлиб ёз» деган эдингиз.

Мен олов ичида туриб, ёниб кетишдан эҳтиёт бўлиб бўлмаслигини яхши биламан. Аммо шу сўзларингизни кўп эслайман. Сиз шеърларингизни олов ичида ёзардингиз.

Сиз ҳақингизда кўп сўзлар айтилди. Ўлимини биларди, дедилар. Билмадим, Сиз неларни билардингиз, бироқ неларни бизга билдириб кетдингиз. Сизнинг қалбингиз, шеъриятингиз, шахсингиз ҳақида ёзиш қийин. Назаримда, дунёнинг энг зўр мусаввирлари ҳам кўзларингиз тубидаги мунгни, ҳасратни чиза олмайдилар, худди шу каби Сизни бир-икки қоғозда таъриф этиш ҳам мушкул.

Сизга сатрларингиз ўлим хабарчилари янглиғ келаверибди. Алҳазар, деб ёқа тутаман:

*Тузалмайди дардим*
*менинг, ўлсам керак,*
*Тупроқ билан оға-ини*
*бўлсам керак.*
*Ўлим нима, бу ҳам*
*битта сайр, она,*
*Ўғлинг қаро ерга кетди,*
*хайр, она.*

Бу сатрларни ўқиб, энди сесканиб кетаман. Энди фақат маъюс изтироб билан қоришиқ туйғу беради бу мисралар кўнглимизга. Доноларнинг бир сўзи ёдимга тушади:

***Ҳақиқий шоирлар***
***авлиёдирлар***
***Ҳақиқий авлиёлар***
***шоирдирлар.***

Авлиёлиги бор акам. Худо суйган акам. Қабрларидаям шеърлар ўқиб ётган акам.

Тириклар мудом ғафлатда эканмиз-да, устоз.

Қоларлар мудом кетарлар ҳолини билмас экан-да, устоз.

Мудом кетарларнинг кўзлари очиқ, руҳлари уйғоқ, тирикларнинг кўзлари мудроқ экан-да, устоз.

Ўламан деб тараддудлар кўрибсиз-у, тараддудингизни англамабмиз-а!

Сиз ҳеч қачон дунёга, молу давлатга қизиқмасдингиз. Лекин мен Ўзбекистон халқ шоириман деб фахрланардингиз. Ва баъзан ўзингизга ярашган нокамтарлик билан «Мен Муҳаммад Юсуфман, халқ шоириман» деб таъкидлашниям хуш кўрардингиз.

Қўша-қўша уйлар қурмай кетдингиз бу дунёдан, қўша-қўша автолар минмай кетдингиз бу дунёдан. Лекин сизни дунёларга алишмас номингиз, шеърларингиз бу азиз халқнинг хотирасида абадий ёд бўлиб қолди. Чин шоир қандай яшаса, шундай яшаб кетдингиз бу дунёдан. Бир шеърингизда айтгандингиз:

***От ҳам ёмон кўрар***
***отнинг зўрини,***
***Турта-турта***
***қуритади шўрини.***

***Тўра бўлдик, кўрмай***
***жойлар тўрини,***
***Кўпкаридек ажаб савдо***
***дунё бу.***

Айни гуллаган чоғида яшин урган дарахтдек кетдингиз. Ғарқ пишганида тўкилган, етдим деганда йиқилган деб Сизни айтади энди бу халқ.

Бугун сизни ҳар лаҳзасида ёд этиб турган катта халқ қолди ортингизда. Ўзингиз айтганингиздек: «гул ўпиб, гул ёпиниб, ҳар дилда мозорингиз» қолди. Ҳофизлар шеърингизни қўшиқ қилиб янгратмаган бирор кун йўқ. Эл шоирлари, шеърсеварлари сатрларингизни ёд олмаган бирор кун йўқ. Китобларингиз ҳамон ёстиқлар остида, ҳамон кўз ёшлар саҳифаларни ювгувчи. Фарзандларингиз улғайиб келаётир. Маъсума, Шерзод, Нозима, Мадина. Ҳамон уларнинг юрган йўлларида сизнинг руҳингиз йўлчи юлдуз каби порлаб турибди. Сизнинг шеъриятингизга ҳавасманд авлод шоирлари номингизга эҳтиром ила шеърият остонасига қадам ташлаётирлар. Сиз эл ичра ҳамон азиз ва мукаррамсиз.

Сиз 47 ёшингизда кетдингиз, бироқ гўзал умр кечириб, гўзал хотиралар қолдирдингиз. Одамлар бор. Нуҳ ёшини яшаб ўтиб ҳам, Сиз қолдирган яхши номни қолдира олмайдилар.

Сиз Махтумқули айтганидек, «Зарлар тўкиб, чин гулларга чулғаниб» яшадингиз. Шу боис 47 да кетсангиз-да, Нуҳ ёшига келдим денг. «Болаларим аро йўлларда қолди» деманг. Уларда сизнинг иродангиз бор экан, аста-секин йўлларини топаётирлар. Аёлингизга кўнглингиз бўлинмасин. Сиз айтгандек, «аёл боши билан сув кечиб, олов кечиб» номингизни ҳар куни элга ёдлатиб юрибди. Сиз яхши кўрадиган халқ, Ватан бугун бир лаҳза бўлсин Сизнинг сатрларингизни унутгани йўқ. «Халқ бўл, элим» деган ҳайқириқлар ҳамон Ватан осмонини тўлдириб янграмоқда.

**Гулжамол АСҚАРОВА,**
**«Зулфия» номидаги Давлат мукофоти совриндори.**

«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
П. ДЮГАЙ,
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. КУЧЕРЕНКО (масъул котиб — «Народное слово»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
А. САИДОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
И. ЎТБОСАРОВ,
А. ҲАЙДАРОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.



*Халқ амалий санъати*

# Нақшларда қалб ҳарорати

Қадимдан қолган ривоятга кўра, бир юртда донғи кетган кулол бўлиб, унинг шон-шуҳрати етти иқлимга тарқалган экан. У ясаган буюмлар доим харидоргир ва сифатлилиги билан ажралиб турар, шундан бўлса керак, устанинг қўлини олиш, ундан ҳунар сирларини ўрганиш учун тўрт тарафдан талабгорлар — шогирдлар кела бошлабди. Кулол эса уларга қўлидан келганича ўргатибди, сабоқ берибди. Орадан йил ўтар-ўтмас, шогирдлар ҳам устозлари сингари бежирим буюмлар ясашни ўрганишибди. Аммо харидорлар ўзгармабди. Улар олдингидай фақат ва фақат уста кулолнинг кўзаларига ишқибоз эмишлар. Шогирдлар минг бора дод-вой қилиб, одамларни ўзларига чорласаларда, бари бефойда кетибди. Шунда бу ҳолатдан ғайирлиги кела бошлабди шогирдларнинг. Кўнгилларидаги қоралик устозларига нисбатан ҳам бўй кўрсатибди. Ниҳоят, улар бир донишманднинг олдига боришга қарор қилишибди. Донишманд уларнинг ҳасратини эшитиб, шогирдлар кутмаган жавобни берибди: "Кўза ясаган билан ҳар ким ҳам кулол бўлавермайди".



Бу ривоятни бежиз келтирмадик. Гап шундаки, юртимизда мана шундай ўз касбининг фидойиси бўлган, ҳунарини санъат даражасига етказган одамлар бисёр. Ривоятдаги уста монанд бизда ҳам донғи чор атрофга кетган ҳунармандлар бисёр. Ана шулардан бири ёғоч ўймакорлиги устаси Сирожиддин Раҳматуллаевдир. Бу инсон ҳам маҳорати, истеъдоди орқали, қолаверса, ажойиб феъл-атвори билан эл орасида обрў-эътибор топган. «Бола бошидан» деганларидек, у ёшлигиданоқ ёғочга ишлов бериш, ундан турли буюмлар ясашга қизиқарди. Тенгдошлари ҳар хил ўйинчоқ машиналарга, танкларга ўч бўлса, у бундай ўйинчоқларни ёғочдан ясашга ҳаракат қиларди ва бу ҳаракатлар зое кетмасди. Шунда унинг дўстлари яна ўйинчоқ ясаб беришни сўрар, у эса илтимосларни ерда қолдирмасди. Чунки уларни ясаш унинг ўзи учун ҳам завқ бағишларди, албатта.

Шундай қилиб, унинг ёғоч ўймакорлиги соҳасидаги маҳорати кўзга ташлана бошлади. Ва ўрта мактабни тугатибоқ, республика рассомчилик билим юртининг ёғоч ўймакорлиги бўлимига ўқишга кирди. Бу ерда у машҳур уста Ортиқ Файзуллаевдан сабоқ олди. Билим юртини битириб, халқ санъати усталари "Устазода" уюшмасида ижод қила бошлади. Унинг қобилияти шаклланиши ҳам мана шу ерга ишга кириши билан бевосита боғлиқ. Ёш уста бу ерда маҳоратли усталар билан биргаликда ҳашаматли айвон устунлари, панжаралар, шунингдек, катта-кичик ҳажмдаги қутилар, қаламдон ва лавҳ каби буюмларни ясаб, уларга ишлов бера бошлади. Унинг ишларида ёғоч фактурасининг нозик томонларини чуқур тушуниш ажралиб турарди. Зотан, у ҳар бир ишга қалб меҳрини бағишларди. Шу тариқа тажрибаси оша бориб, маҳорати сайқаллаверди.

Сирожиддин "Устазода" уюшмасида ишлаш билан бирга республика "Ҳунарманд" уюшмасининг ҳам фаол аъзосидир. Унинг ёғоч ўймакорлигидаги юксак маҳорати назарда тутилиб, масъулиятли ишларга жалб этила бошланди. Бир қанча маданий-маиший биноларнинг ёғоч ўймакорлиги ишларида, жумладан, Темурийлар тарихи давлат музейи, Олий Мажлис биноси, Хотира майдони, Самарқанд вилояти Хартанг қишлоғида қад ростлаган Имом Исмоил ал-Бухорий мажмуаси ва бошқа шу сингари жойларга жалб этилиши устанинг маҳоратига берилган юксак баҳодир. Айниқса, пойтахтимизнинг Юнусобод туманида барпо этилган "Шаҳидлар хотираси" мажмуининг ташқи ва ички эшикларига берилган сайқал устага янада шуҳрат олиб келди.

Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида Президентимиз томонидан бир қанча соҳа вакилларини мукофотлаш тўғрисидаги Фармон эълон қилинди. Мукофотланганлар орасида маҳоратли ёғоч ўймакорлиги устаси Сирожиддин Раҳматуллаев ҳам бўлиб, у "Ўзбекистон Республикаси халқ устаси" деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Айни пайтда уста ўзбек ёғоч ўймакорлик санъатини хорижий давлатларда ҳам машҳур қилиш учун шогирдлари билан иш олиб бормоқда. Ўз ишига меҳр билан ёндашиб, мудом миллий анъаналаримизни тарғиб этишга бел боғлаган устанинг мана шундай эзгу ниятлари амалга ошмоғига умид қиламиз...

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**





*Наманган вилояти, Янгиқўрғон туманидаги маданият саройи қайта таъмирлангандан сўнг бу ерда фаолият кўрсатаётган халқ дастаси ижоди учун кенг имкониятлар яратилди. 550 ўринли ушбу даргоҳда халқ оғзаки ижоди ва фольклорга алоҳида эътибор берилиб, 4 та тўгарак ташкил этилди. Азалдан эъзоз топган халқ қўшиқ-куйлари, лапарлар ва рақслар тўгарак қатнашчилари ижросида бойиб, сайқалланиб бормоқда. Улар тумандаги меҳнат жамоалари, хўжаликлар ва ташкилотларда бўлиб, ранг-баранг репертуар асосида концертлар намойиш этишмоқда.*

**СУРАТЛАРДА: янги таъмирланган маданият саройи; халқ дастаси қатнашчилари Наргиза Эшонова ва Зулхумор Акбарова.**

**Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

# Ғолиблик — чаққонларга насиб этади

***Самарқанд вилояти туманларида «Умид ниҳоллари» ўйинларининг асосий босқичи бошланди. Чорвадорлар тумани Нурободда бу тадбир,айниқса, кўнгилдагидек ўтаяпти.***

Туман марказидаги «Меҳнат» стадионида ёшлар спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, теннис, миллий кураш, каратэ сингари кўплаб турлари бўйича беллашдилар.

— Ёшларимиздаги ғайрат, матонатни кўриб қувониб кетамиз, — дейди туман ҳокимлигининг бош мутахассиси Ҳасан Мардонов. — Уларга туман марказида, қишлоқларда имкон қадар етарли шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилаяпмиз.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Меҳр-мурувват тадбирлари

Жиззахдаги Олимпия заҳиралари коллежига тўпланган 300 нафарга яқин қиз «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими совринлари учун спортнинг шахмат, шашка ҳамда стол тенниси турлари бўйича ўзаро куч синашди. Вилоятда хотин-қизлар ўртасида спортни ривожлантиришга қаратилган тадбирда Фориш, Зарбдор ҳамда Янгиобод туманлари жамоаларининг фаол иштироки, спортчи қизларнинг ажойиб натижалари барчанинг эътиборини қозонди.

Жамғарманинг вилоят болалар сил касалликлари шифохонасида, «Меҳрибонлик уйи»да, Зарбдор туманидаги Й. Қурбонов номли хўжаликда уюштирган хайрия тадбирлари қизиқарли томошалар, хайр-эҳсонлари билан ажралиб турди.

Меҳр-мурувват йили муносабати билан ўтказилган тадбирлар жараёнида боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга, ногирон ва фахрийларга 480 минг сўмлик дори-дармон, турли совғалар ҳадя этилди. Болалар сил касалликлари шифохонасига битта телевизор, 4 та гилам совға қилинди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Хоразм вилояти ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Баҳром Қурбоновга волидаи муҳтарамаси

**ГУЛЧЕҲРА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ибн Сино Халқаро жамғармаси жамоаси жамғарма бошқаруви аъзоси, таниқли олим, академик

**Музаффар Муҳиддинович ХАЙРУЛЛАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Жаҳон адабиёти» таҳририяти жамоаси таҳририят ходими Раҳматилла Иноғомовга акаси

**Кудратилла ИНОҒОМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон давлат консерваторияси жамоаси Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири, профессор Б. Т. Қурбоновга волидаи муҳтарамаси

**ГУЛЧЕҲРА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти жамоаси нашриёт етакчи мутахассиси Асрор Мўминовга волидаи муҳтарамаси

**БУНАСИБ онанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент юридик коллежи жамоаси амалиёт бўлими ўқитувчиси Мусурмонқул Холиёровга падари бузруквори

**Хушбобо ота ХОЛИЁРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 572, 29008 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Қоғоз бичими А — 2. Офсет усулида босилган.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Нормуродова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.50
2 3 4 5 6